

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

9-сон
(925)
2020 йил
9 март

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

97. «Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси Уставини (Гаага, 1951 йил 31 октябрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 2 мартдаги ЎРҚ–605-сон Қонуни
98. «Маҳалла тизими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 2 мартдаги ЎРҚ–606-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

99. «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сон Фармони

100. ««Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4629-сон қарори

Учинчи бўлим

101. «Мева ва сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 мартдаги 119-сон қарори
102. «Спорт турлари бўйича терма жамоалар таркибига спортчиларни саралаб олиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 мартдаги 122-сон қарори

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****97 Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси Уставини (Гаага, 1951 йил 31 октябрь) ратификация қилиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 18 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 28 февралда
маъқулланган

Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси Устави (Гаага, 1951 йил 31 октябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 2 март,
ЎРҚ-605-сон

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 3 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

98**Маҳалла тизими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 25 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 28 февралда
маъқулланган

1-модда. 22 март Маҳалла тизими ходимлари куни этиб белгилансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 2 март,
ЎРҚ-606-сон

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 3 мартда эълон қилинган.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

99

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни халқ манфаатлари йўлида изчил давом эттириш мақсадида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси кенг жамоатчилик иштирокида атрофлича муҳокама қилинган ҳолда тайёрланди.

Муҳокамалар жараёнида халқимиз, фуқаролик жамияти институтлари фаоллик кўрсатиб, мингдан ортиқ теле- ва радиоканаллар орқали тўғридан-тўғри эфирларда улар билан бевосита мулоқотлар ташкил этилди, фуқароларимиз билдирган таклиф-тавсиялар тегишли соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирокида чуқур таҳлил қилинди.

Хусусан, жамоатчилик муҳокамаси доирасида уч мингдан ортиқ таклифлар келиб тушди, улар асосида Давлат дастури лойиҳасига юзга яқин концептуал ва таҳририй ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, кўпчилик таклифлар муҳокама учун эълон қилинган Давлат дастури лойиҳасидаги чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш ва уларни амалга ошириш жараёнларини такомиллаштиришни назарда тутди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, парламент палаталари қўшма мажлиси ва ташкилий йиғилишларида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида:

1. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 мартда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида: 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида фуқароларнинг Интернет тармоғидаги мурожаатлари асосида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш, сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида электрон портал ва мобиль иловадан фойдаланиш имконини берувчи «Электрон парламент» тизими жорий этилсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида йил якунига қўра қабул қилинган ҳар бир қонун халқ томонидан қандай баҳоланганини ва унинг самарадорлик даражасини мониторинг қилиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўриш амалиёти шакллантирилсин;

2020 йилда Самарқанд вилояти халқ депутатлари Кенгашининг фаолиятини «намунали Кенгаш» сифатида йўлга қўйиш бўйича амалий ташкилий чора-тадбирлар кўрилсин ҳамда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институти жорий қилинсин;

2020 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисларида давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолияти бўйича, шунингдек, Ҳукумат аъзолари ва тармоқлар раҳбарларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш, илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотларини мунтазам равишда эшитиш тартиби амалиётга татбиқ қилинсин;

2020 йил 1 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш, шунингдек, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида ўрганилган масалалар бўйича бевосита жойларга бориб, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Сенат кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш тизими йўлга қўйилсин;

2020 йил 1 июлга қадар «Mening fikrim» веб-порталининг мобиль иловасини ишга тушириш чоралари кўрилсин, шунингдек, веб-порталга келиб тушаётган мурожаатларни депутатлар, мутахассислар ва кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилиш ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан парламентнинг қонун ижодкорлиги ва назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни ишлаб чиқиш бўйича «йўл харита»си, Аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш концепцияси ҳамда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегияси қабул қилинишини таъминлаш тавсия этилсин.

3. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида:

2020 йил 1 майдан бошлаб суд ҳукмлари, қарорлари, ажримлари ёки ҳал қилув қарорлари қонуний кучга кирган ишларни прокурор томонидан томонларнинг (прокурордан ташқари) мурожаати мавжуд бўлгандагина суддан талаб қилиб олиш тартиби амалиётга жорий этилсин;

2020 йил 1 апрелдан бошлаб 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси асосида доимий истиқомат қилаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш истagini билдирган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартиби жорий этилсин;

2020 йил 1 ноябрга қадар одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида апелляция ва кассация инстанциялари ислоҳ қилиниб, назорат тартибида иш юритиш институти бекор қилинсин;

2020 йил 1 июнга қадар тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят турлари декриминализация қилинсин, шунингдек, божхона соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятини биринчи марта содир этган, товар учун тўловни ихтиёрий равишда тўлаган ва божхона расмийлаштирувини амалга оширган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартиби жорий этилсин;

2020 йил 1 декабрдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилсин;

2020 йил 1 декабрдан ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган жаримани суд ва ваколатли идораларда иш кўрилгунга қадар ихтиёрий тўлашни рағбатлантириш тизими жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан тизимлаштирилган «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири, шунингдек, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини тартибга солувчи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари кафолатларини кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини таъминлаш топширилсин.

4. Кенг жамоатчилик истақларини ва халқаро эксперт жамоатчилиги тавсияларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

2020 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкни олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ушбу

худудларда доимий пропискага эга бўлиш талаб қилинмаслигини кўзда тутувчи тартибни жорий этиш;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи ва республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган уйларда қўчмас мулк олди-сотдиси шартномаларини расмийлаштириш учун давлат божининг алоҳида ставкасини бекор қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) 2020 йил 1 апрелга қадар қонун ҳужжатларига мазкур банддан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин, унда, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутсин:

доимий пропискага қўйишда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг бир киши учун турар-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидаларига риоя этиш бўйича талабларни;

пропискага қўйиш билан боғлиқ жараёнлар ва уларни «ягона дарча» тамойили асосида амалга ошириш механизмлари рақамлаштирилишини таъминлашни;

худудларда олий таълимнинг талаб юқори бўлган йўналишларида ўқитишни ташкил этиш, шу жумладан Тошкент шаҳрида жойлашган етакчи олий таълим муассасаларининг филиалларини очишни;

б) Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача урбанизацияни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда республика аҳолиси учун Тошкент шаҳри билан бир қаторда қўшимча равишда «ўзига тортувчи марказлар»ни яратиш мақсадида табиий ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятга эга энг йирик шаҳарларни белгилашни назарда тутсин.

5. Иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш соҳасида:

2020 йилдан бошлаб пахта хом ашёси ишлаб чиқариш ва мажбурий сотиш режасини, унинг нархини давлат томонидан белгилаш амалиёти бекор қилинсин ва давлатга мажбурий ғалла сотиш ҳажми 25 фоизга камайтирилсин;

2020 йилда солиқ тўловчилар томонидан ортиқча тўланган солиқ суммаси белгиланган муддатда қайтарилмаган ҳолда ушбу сумма учун солиқ тўловчиларга бюджет ҳисобидан Марказий банкнинг асосий ставкасига тенг миқдорда фоизлар тўлаш ҳамда ички бозорда сотилган маҳсулот бўйича қўшилган қиймат солиғининг бир қисmini қайтариш тартиби самарали йўлга қўйилсин;

2020 йилда лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар камида икки бараварга қисқартирилсин;

2020 йил 1 июндан бошлаб давлат улушига эга бўлган банклар трансформацияси бўйича «йўл харита»ларини амалга оширишга киришилсин, шу жумладан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш ҳамда замонавий чакана банк хизматлари турларини кўпайтириш чоралари кўрилсин;

2020 йил 1 июнга қадар экспортни олдиндан молиялаштиришга қаратилган Экспорт-кредит агентлиги ташкил қилинсин;

2020 йилда «рақамли маркировка ва онлайн касса» лойиҳасини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш ҳамда «Э-омбор» товарларни ҳисобга олишнинг электрон тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича амалий чоралар кўрилсин;

2020 йил 1 июндан бошлаб маҳаллий экспорт қилувчиларга юкларни автомобиль ва ҳаво транспорти орқали экспорт қилиш харажатларининг бир қисмини давлат томонидан қоплаш, шунингдек, тадбиркорларнинг инфраструктура барпо этиш бўйича харажатларининг бир қисми учун компенсация тўлаш механизмлари жорий этилсин;

2020 йилда камида 800 мингта кенг полосали Интернет портлари яратилсин ва 12 минг км оптик толали алоқа линиялари ётқизилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банки, Ҳисоб палатаси, Савдо-саноат палатасига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан «Давлат молиявий назорати тўғрисида»ги, «Давлат қарзи тўғрисида»ги ва «Расмий статистика тўғрисида»ги қонун лойиҳалари, Автомобиль йўлларини ривожлантириш ва Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш стратегиялари, Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ва Сув ҳўжалигини ривожлантириш концепциялари, Қишлоқ ҳўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалий чоратадбирлар дастури ишлаб чиқирилишини таъминлаш топширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда ҳар бир ҳудудда тадбиркорликка ўқитиш курсларини ташкил этиш бўйича «йўл харита»сини ва мазкур курсларнинг битирувчиларига энг илғор лойиҳа учун грантлар ажратиш тартибини тасдиқласин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилган 30 та коллеж базасида, шунингдек, Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида камида биттадан «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касбга тайёрлаш марказларини ташкил этиб, уларда, биринчи навбатда, ишсизлар ва камбағал оилалар аъзоларининг тадбиркорлик асослари бўйича ва касбга ўқитилишини таъминласин.

Худди шу каби мономарказлар ва касбга тайёрлаш марказлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг шаҳар ва туманларида ҳам босқичма-босқич ташкил этилиши таъминлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнесни ривожлантириш агентлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар, ёшлар учун кундалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган соҳалар, хусусан тикувчилик, пазандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишлар бўйича касбга ўргатиш курсларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Маҳалла

гузарларида касбга ўқитиш дастури»ни ишлаб чиқиб, талабгорлар рўйхатини шакллантирсин.

Белгилансинки, касбга ўргатиш курслари доирасида ўқитилган ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар ва ёшлар каби аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маблағ ажратилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда:

бюджет маблағлари ҳисобидан илғор тадбиркорлик лойиҳаларига грантлар ажратиш тизимини йўлга қўйсин;

2020 йил 1 майга қадар ҳар бир ҳудудда камида биттадан «Энг яхши касбга тайёрлаш ўқув дастури» бўйича нодавлат ташкилотлари ўртасида танлов ўтказиб, унинг ғолибларига ўз ишини ташкил қилиш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан грант ажратиш тартибини ишлаб чиқсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларини аниқласин ҳамда уларда кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва уларни инфратузилма билан таъминлаш учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин.

Белгилансинки:

янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналарига барча зарур инфратузилмаларни етказиб бериш учун кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан 100 миллиард сўм ажратилади;

янги ташкил этилган кичик саноат зоналаридаги ер участкалари тадбиркорларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда хусусийлаштирилиб берилади ва бундан тушган маблағлар кичик саноат зоналарини бошқариш дирекциялари томонидан янги кичик саноат зоналарини барпо этишга сарфланади.

10. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир туманда деҳқончилик билан шуғулланиш истагини билдирган аҳоли рўйхатини шакллантирсин, қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган ерларни талабгорларга тақсимлаб берсин ва уларни кооперацияларга бириктирсин. Бунда, мазкур шахсларга қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар тақдим этилсин ва ерларни оборотга қайтариш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузури-

даги Кичик бизнесни ривожлантириш агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда бизнесга ҳамда тадбиркорликни бошлаш истагидаги фуқаролар ва ўзини ўзи банд қилмоқчи бўлганларга сервис кўрсатувчи интерактив мобиль иловалар яратиш учун танловлар эълон қилиб, энг яхши лойиҳаларга грантлар ажратиш тизимини йўлга қўйсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, шунингдек, Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотларни жалб этган ҳолда 2020 йил 1 августга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи Камбағалликни қисқартириш дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

камбағаллик тушунчасини, уни ҳудудий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш методологияси ва мезонларини ишлаб чиқиш;

аҳолида, айниқса, ёшлар ва аёлларда бизнес юритиш ва тадбиркорликнинг замонавий кўникмаларини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

энг аввало, жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имконини берувчи тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш;

тадбиркорлик субъектларига молиявий ресурслардан, шу жумладан микромолиялаштириш хизматлари ва давлат харидларидан фойдаланишда кенг имкониятлар бериш учун шароит яратиш;

банд бўлмаган аҳолини қайта тайёрлаш ва ишсиз фуқароларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш бўйича кенг қамровли дастурларни амалга ошириш.

13. Белгилансинки, 2020 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик субъектларига лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришда кадрларнинг профессионал малакаси, тақдим этилган ҳужжатлар ва дастурларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга, бино ва иншоотларнинг — санитария-эпидемиологик талабларга ва ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги сабабли рад этишга йўл қўйилмайди.

Бунда, ваколатли давлат органлари тадбиркорлик субъектларига малакали кадрларни излаш, ҳужжатлар ва дастурларни қайта ишлаш учун мутахассисларни жалб қилиш ҳамда лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни олиш учун бошқа зарур шарт-шароитларни яратишда ёрдам беришлари лозим, талабгорнинг таклиф этилган ёрдамни рад қилиш ҳоллари бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддатда ушбу бандда белгиланган тартибни жорий этиш бўйича таклифларни киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда «UzTrans» ягона интерактив ахборот

тизимида ташувчилар фаолиятини мониторинг ва назорат қилишнинг замонавий усуллари қўллашни ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига:

юк ташишни амалга оширишнинг бошланиши тўғрисида хабардор қилиш ва юкларни халқаро ташишни амалга оширувчи транспорт воситаларини «онлайн» рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш орқали автомобиль транспортида юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташишни амалга ошириш;

жисмоний шахсларга автомобиль транспортида йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш ҳуқуқини бериш бўйича таклифларни киритсин.

15. Ижтимоий ривожланиш соҳасида:

2020 йил охирига қадар 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий этган ҳолда, мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасининг 60 фоизга етказилиши таъминлансин;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг юкларини мақбуллаштирилсин, шунингдек, олий таълим муассасаларида асосий мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони икки бараварга қисқартирилсин;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш бўйича давлат буюртмаси параметрлари босқичма-босқич икки бараварга оширилсин;

2020 йилда камида 5 та олий таълим муассасасини конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилиш чоралари кўрилсин;

2020 йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитларни яратиш чоралари кўрилсин;

2020 йил 1 сентябрга қадар илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан фаол интеграциялашувини таъминлаш мақсадида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизми тубдан қайта кўриб чиқилсин;

2020 йилда мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий этишга тайёргарлик ишлари якунига етказилсин ва келгуси йилда ушбу тизим тажриба тариқасида Сирдарё вилоятида ишга туширилсин;

2020 йилда давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланиши ўтган йилга нисбатан 1,3 бараварга кўпайтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан Уй-жой кодексининг янги таҳрири, Экология кодекси лойиҳаси, «Сув таъминоти ва оқова хизматлар тўғрисида»ги ва «Кинематография тўғрисида»ги қонун лойиҳалари, Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш давлат дастури, Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий

дастури, Илм-фан соҳасини ривожлантириш, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш концепциялари, Қурилиш соҳасини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқиши таъминлаш топширилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Ёшлар таълими ва аёллар бандлиги бўйича «Беш ташаббус» лойиҳаси доирасида 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб алоҳида умумтаълим муассасаларида болаларни мактаб фанларига электрон ўқитиш бўйича, шу жумладан электрон синф журнали, ўқувчилар кундаликларини рақамлаштириш ва электрон материаллар кутубхонасини (дарсликлар, видео дарслар, виртуал лабораториялар ва бошқалар) ўз ичига олган тажриба тариқасида ахборот тизимларини қўғоз ҳужжатларни бекор қилган ҳолда жорий этсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда экспертлар, шу жумладан хорижий экспертлар иштирокида маълумотлар ҳақидаги фан, улкан маълумотлар, сунъий интеллект каби йўналишларда кадрлар тайёрлашни назарда тутган ҳолда, ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ўқув дастурлари қайта кўриб чиқиши таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасалари талабаларига ўқув йили давомида тенг улушларда камида тўрт маротаба ўқиш учун тўловларни амалга ошириш имконияти тақдим этилишини таъминласин.

19. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат юридик университети ва Тошкент давлат педагогика университетида тажриба тариқасида босқичма-босқич масофавий ўқитиш шакли жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 1 августга қадар масофавий ўқитиш шаклини амалга ошириш тартибини белгилаш, дастурий-аппарат комплексини яратиш, тегишли олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнига масофавий ўқитиш платформасини жорий этиш ва ўрнатилган тартибда зарур бўлган ускуналар билан жиҳозлашни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2021 йил 1 январга қадар тажриба натижаларини инобатга олган ҳолда олий таълим тизимига масофавий ўқитиш шаклини жорий этиш тўғрисидаги таклифларни ўқитишнинг ушбу шаклини амалга киритишнинг олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари кесимидаги графиги билан биргаликда киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ-4502-сон қарорига асосан 2020 йил 1 январдан кейинги давр учун пенсияни ҳисоблашда меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини

белгилаш «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида мавжуд маълумотлар асосида амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ пенсияни ҳисоблаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилашда архив маълумотларини тақдим этмасдан:

2005 — 2016 йиллар даври учун жамғарилиб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан;

2016 — 2018 йиллар даври учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан;

2019 йил учун фуқаролар иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан фойдаланилади.

Ушбу бандда кўрсатилган даврлар учун архив маълумотларидан фақат тизимларда зарур маълумотлар мавжуд бўлмаганда ёки фуқаронинг мурожаати асосида фойдаланилади. Фуқаро томонидан тақдим этилган ҳужжатларни текшириш ҳамда қўшимча архив маълумотларини талаб қилиб олиш зарурати бўлганда, фуқарога пенсия минимал миқдор бўйича сиртдан расмийлаштирилади ва кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали 2020 йил 1 январгача бўлган давр учун зарур маълумотларни ягона тизим орқали йиғиш мақсадида манфаатдор идораларнинг тизим ва маълумотлар базалари билан интеграция қилиниши, шунингдек, ушбу тизим тўлиқ ишлашини таъминлаш учун маълумотларни рақамлаштириш чораларини кўрсин;

фуқаролар учун уларга тайинланган пенсия тўловлари тўғрисидаги тегишли маълумотлар билан танишиш, шу жумладан автоматик ҳисоблаш имкониятини яратишни инобатга олган ҳолда пенсия тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифларни киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги билан биргаликда, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари ва иқтисодиётни рақамлаштириш бўйича вазифаларни ҳисобга олган ҳолда икки ой муддатда ўзини ўзи банд қилаётган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бериладиган фаолият турлари (хизматлар, ишлар) рўйхатини қайта кўриб чиқиш, мазкур жараёнларни рақамлаштириш, «фрилансинг» (масофадан туриб ишлаш) имкониятларини оммалаштириш бўйича «йўл харитаси»нинг киритилишини таъминласин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 1 ноябрдан «Давлат

фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлилий тизими» дастурий-аппарат комплексини (кейинги ўринларда — дастурий-аппарат комплекси) жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда дастурий-аппарат комплексининг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва бошқа зарур тизимларга интеграциялашувини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий аттестация комиссияси ва республикадаги олий таълим муассасалари раҳбарлари идоравий ахборот тизимлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини, уларнинг дастурий-аппарат комплекси билан интеграция қилинишини, шунингдек, ушбу тизим тўлиқ ишлашини таъминлаш учун маълумотларни рақамлаштириш чораларини кўрсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда «Рақамли Ўзбекистон — 2030» дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда бошқа масалалар билан бир қаторда қуйидагиларни назарда тутсин:

а) «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш йўналишида:

ахборот технологиялари соҳасида инсон капиталини ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

давлат хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш ва ахборот экотизимини ривожлантириш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

б) маҳаллий IT-технологиялар бозори салоҳиятини ошириш йўналишида:

ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларга қўйиладиган асосий функционал талабларнинг ягона реестрини белгилаган ҳолда давлат органлари ва ташкилотларида ушбу маҳсулотлардан фойдаланишга ўтиш;

ўрнатилган функционал талабларга мувофиқ келадиган маҳаллий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларнинг ягона базасини шакллантириш;

салоҳияти мавжуд олий таълим муассасаларида ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш соҳасида лабораториялар, жумладан халқаро тан олинган илғор IT-компанияларни жалб қилган ҳолда ташкил этиш;

маҳаллий ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

в) давлат маълумотларини бошқариш тизимини яратиш йўналишида:

давлат бошқаруви соҳасида маълумотларни шакллантириш ва қайта ишлашга стандартлаштирилган ёндашувни жорий қилиш;

маълумотларни шакллантириш ва янгилаш бўйича жавобгарлик давлат

органлари бўйича тақсимланган ҳолда, маълумотлар фақат битта давлат органи ёки унинг бўлинмаларида шакллантириладиган «маълумотларнинг ягона манбаи» тамойилини жорий этиш;

хужжатга йўналтирилган тизимдан маълумотларнинг реестр ёзувига асосланган тизимга босқичма-босқич ўтиш.

24. Давлат органлари, идоралар, барча корхона ва ташкилотларга «рақамли иқтисодиёт», замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ходимларни хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчиларнинг касблари классификатори таълимнинг минимал даражаси ва касб бўйича малакавий разрядлар қисмига амал қилмаган ҳолда ишга жалб қилишга рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ахборот технологиялари соҳасида халқаро сертификатга эга бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизимини яратиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, ахборот технологиялари соҳасида халқаро сертификат олиш имтиҳонларини муваффақиятли топширган шахсларга харажатларни давлат томонидан қоплаш, ахборот технологиялари соҳасида халқаро сертификатга эга бўлган шахсларнинг республика олий таълим муассасаларида таълим олиш имкониятларини кенгайтириш назарда тутилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда «Беш ташаббус» лойиҳасини молиялаштириш доирасида «Рақамли технологиялар ўқув марказлари»да, «Ишга марҳамат» мономарказларида ва «Ёшлар технопарк»ларида ёшларга рақамли технологияларни ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

26. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан биргаликда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга ёшларнинг энг илғор лойиҳаларини жалб этиш мақсадида Тошкент шаҳрида «Халқаро ёшлар инновация форуми»ни ўтказиш ҳамда форум доирасида «Энг яхши лойиҳалар» танловини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

27. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутивчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва қарори лойиҳаларини киритсин:

рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат ташкилий-институционал асосларини танқидий қайта кўриб чиққан ҳолда соҳада давлат бошқарувини такомиллаштириш;

«Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш йўналишида идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш, кўрсатилаётган электрон давлат хизматлари сифатини ошириш ва рўйхатини кенгайтириш, аҳоли ва

тадбиркорлик субъектлари билан бевосита алоқасиз ўзаро муносабатларни амалга ошириш шакллари кенг қўллаш;

иктисодиётнинг реал сектори тармоқларига ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни кенг жорий қилиш йўналишида молия-хўжалик фаолияти, маъмурий тартиботлар, ишлаб чиқариш, технологик ва бошқарув жараёнларида рақамли технологиялар ва автоматлаштирилган тизимларни яратиш;

телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида Интернет тармоғидан кенг поласали фойдаланишни кенгайтириш, мобиль алоқа тармоғи ва бошқа замонавий телекоммуникация хизматларини ривожлантириш ва модернизация қилиш;

рақамли иқтисодиёт соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

28. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органлари ва ташкилотларида ахборотларни шакллантириш, сақлаш ва қайта ишлаш «Электрон ҳукумат» тизимининг ягона идентификаторларини қўллаган ҳолда амалга оширилади.

29. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Электрон ҳукуматнинг идоралараро ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлари ягона реестрини (кейинги ўринларда — Ягона реестр), шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларида қўлланилиши мажбурий бўлган «Электрон ҳукумат» тизимининг ягона идентификаторларини, маълумотномалар ва таснифлагичларнинг рўйхатларини (кейинги ўринларда — рўйхатлар) жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

30. Белгилансинки:

Ягона реестрга идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари ва ресурслари, шунингдек, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг манфаатлари йўлида ишлаб чиқиладиган бошқа дастурий маҳсулотлар киритилади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар Ягона реестрга киритилган идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этиши ва улардан самарали фойдаланиши шарт.

31. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Ўзкомназорат» давлат инспекцияси, Киберхавфсизлик маркази икки ой муддатда Ягона реестр ва рўйхатларни шакллантириш ҳамда юритиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда реестр ва рўйхатларнинг долзарб версияларини «Электрон ҳукумат» тизимида тақдим этиш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлари кўрсатиб ўтилсин.

32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси илм ва маърифат, ахборот технологиялари, меҳнат муносабатлари ва тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур бўлган ахборотларни олиш имконияти асоссиз равишда чекланишига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек, халқаро стандарт-

ларни инобатга олган ҳолда 2020 йил 1 сентябрга қадар давлат сири деб ҳисобланган маълумотлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш ҳамда кейинчалик уни махфийликдан чиқариш чораларини кўрсин.

33. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Адлия вазирлиги томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти тузилмасида парламентаризмни ривожлантириш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўқув марказини ташкил этиш масаласи ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидаги мақсадларга йўналтирилган:

хорижий мамлакатларнинг парламентлари ва бошқа манфаатдор давлат органлари билан биргаликда депутатлик корпуси ва сенаторлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мутахассисларининг кўникмалари, малакаси ва салоҳиятини ошириш бўйича ўқув дастурларини рўёбга чиқариш;

қонун ижодкорлиги, парламент назорати, фуқароларнинг манфаатларини ифода этиш ва халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш, норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш юқини мақбуллаштириш;

тегишли йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ичида ва унинг ташқарисида масофавий ўқитиш учун таълим модуллари ва дастурларини ўз ичига олган ҳамда «Электрон парламент» тизими билан интеграциялашган «онлайн» тизим яратиш.

Белгилансинки, ўқув марказининг фаолият юритиши, таҳсил олувчилар ва хорижий давлатлар экспертларининг мамлакатда бўлиши билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, халқаро ташкилотлар ва донорлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу бандда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 2020 йилги Давлат бюджети параметрлари доирасида белгиланган тартибда молиявий маблағлар ажратилишини таъминласин, 2021 йилдан эса ҳар йили бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига мазкур институтни ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичини ҳисобга олган ҳолда, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида қўшма қарор қабул қилиш тавсия этилсин.

34. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзод кўриб чиқиладиганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракатлар дастури тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар чоракда тегишли

йил учун Давлат дастури билан узвий боғлиқликда Ҳаракатлар дастурининг вазирликлар, идоралар ва ҳудудлар кесимида бажарилиши ҳолатини ўз мажлисларида танқидий муҳокама қилиб борсин.

35. Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда хорижий мамлакатлар билан 2020 йилда савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-маърифий, маданий-гуманитар ва сиёсий соҳаларда, шунингдек, хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва тадбиркорлик субъектлари учун тартиб-таомилларни соддалаштириш ва махсус қулай режимлар тақдим этишни назарда тутувчи аниқ чора-тадбирлар бўйича таклифларни киритсин.

36. Тўғридан-тўғри инвестицияларни, илғор тажриба ва замонавий технологияларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, манфаатдор идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик миссияларини фаол жалб этган ҳолда жаҳон мамлакатлари билан кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг муассасалари, етакчи халқаро институтлар ва молия тузилмалари, шунингдек, минтақавий бирлашмалар билан узоқ муддатли шерикликни чуқурлаштириш юзасидан аниқ таклифлар ва амалий чора-тадбирларни тайёрлашни таъминласин.

37. «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ва «Тараққиёт стратегияси» марказининг қуйидагиларни амалга оширувчи «Халқаро мунозара клуби»ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

махаллий ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, ислохотларни амалга оширишнинг муҳим масалалари бўйича жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини доимий равишда баҳолаб бориш тизимини йўлга қўйиш мақсадида аҳоли ва экспертлар ўртасида сўровлар ва ўрганишлар ўтказиб бориш;

илгари сурилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича уларнинг жамоатчилик муҳокамасини ҳисобга олган ҳолда асосланган таклифларни ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини ошириш мақсадида жамоатчилик эшитувини мунтазам равишда ташкил этиш.

Белгилансинки, «Халқаро мунозара клуби» «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ҳузурида ташкил этилади.

38. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ҳамда «Тараққиёт стратегияси» маркази билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда умумлаштириш ҳамда якунларини аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришларни акс эттирган ҳолда ўз веб-сайтларида жойлаштириш;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Давлат дастурини амалга ошириш якунларига бағишланган ахбороттаҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин.

39. Давлат дастури бандларини изчил ва ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари ўз ҳудудларида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича ўн кун муддатда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва ҳар ойда ўз мажлисларида муҳокама қилиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар ойда Давлат дастури бажарилишини Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳузурида танқидий кўриб чиқади, ҳар чоракда Ҳукумат мажлисларида муҳокама қилиб боради ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўради;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳар чоракда Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларининг Давлат дастури бажарилиши юзасидан ахборотларини эшитиб боради ҳамда бу борада Ҳукумат фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ҳисоб палатаси билан биргаликда ҳар ойда Давлат дастури бажарилишини назорат қилиб боради ҳамда унинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлайди.

40. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Халқаро пресс-клуб, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда:

ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида кенг тушунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

41. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

42. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

ликасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 2 март,
ПФ-5953-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

100 «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4124-сон қарорида назарда тутилган вазифалар ижросини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув усуллари жорий этиш, бозор механизмларига ўтиш, рақобатбардошликни ошириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, янги истиқболли конларни ўзлаштириш, «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг (кейинги ўринларда — «Навоий КМК» ДК) ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этилмаган ва асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган активларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, «Навоий КМК» ДК мулки негизда янги ташкил этилаётган юридик шахслар фаолиятини ташкил этиш мақсадида:

1. «Навоий КМК» ДКда давлат органлари вакиллари, халқаро ва мутақил консултантлар, аудиторлар ва баҳоловчилар иштирокида:

а) қуйидагилар:

Ҳисоб ва ҳисобот бўйича халқаро стандартлар (ISAR) принциплари ва талабларига мувофиқ корпоратив маълумотларни ошкор қилиш тизимини жорий этиш;

Глобал ҳисобот ташаббусига (GRI) мувофиқ, шу жумладан иқтисодий, ижтимоий ва экологик масалалар бўйича ҳисоботларни чоп этиш;

Қидирув натижалари, минерал ресурслар ва маъдан захиралари тўғри-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 6 мартда эълон қилинган.

сида ҳисобот юритишнинг Австралия кодекси (JORC Code) стандартларига мувофиқ захираларни қайта баҳолаш бўйича ишлар бошланганлиги;

б) «Навоий КМК» ДК мулки ва мулкӣ ҳуқуқлари рўйхатини тасдиқлаган ҳолда корхонанинг мол-мулкни хатловдан ўтказиш яқунлангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Навоий КМК» ДК, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) «Навоий КМК» давлат корхонаси номланишини табиӣ уран ва нодир металлларни қазиб олиш ва қайта ишлаш корхонаси — «Навоийуран» давлат корхонасига (кейинги ўринларда — «Навоийуран» ДК) ўзгартириш;

б) бир ой муддатда «Навоий КМК» ДК мол-мулкнинг қисми негизида: қимматбаҳо металлларни қазиб олувчи ва ишлаб чиқарувчи, акциядорлик жамияти қўринишидаги «Навоий КМК» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда — «НКМК» АЖ) ишлаб чиқариш корхонасини;

«НКМК жамғармаси» давлат муассасасини (кейинги ўринларда — «НКМК жамғармаси» ДМ) таъсис этиш.

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда «Навоий КМК» ДКнинг: эмулсиявий-портловчи моддалар ишлаб чиқарувчи мулкӣ комплексни «НКМК» АЖ тасарруфига берилишини инobatга олган ҳолда, «НКМК» АЖ таркибига бериладиган;

«НКМК жамғармаси» ДМга бериладиган объектлар, шу жумладан агроучасткалар ва ёрдамчи объектлар, меҳмонхоналар, ҳаммом ва тозалаш хўжалиги объектлари, ишлаб чиқариш цехлари, омборхона иншоотлари, шунингдек, бошқа тижорат объектлари ва қимматбаҳо қoғoзлар (кейинги ўринларда — асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган объектлар) ва ижтимоӣ инфратузилма, жумладан тиббий-санитар хизматлар, маданият ва спорт, дам олиш ва соғломлаштириш, умумӣ овқатланиш, уй-жой коммунал хўжалиги объектлари ҳамда болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, хизмат турар жойлари ва ётоқхоналари (кейинги ўринларда — ижтимоӣ инфратузилма объектлари) рўйхатини тасдиқласин.

3. «Навоий КМК» ДК ўз қузатув кенгаши ва Агентлик билан биргаликда бир ой муддатда «Навоий КМК» АЖ акциялари қийматини тўлашда бадал сифатида қўйилиши лозим бўлган «Навоий КМК» ДК мол-мулки ва мулк ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси мол-мулкни баҳолаш миллий стандартларига мувофиқ баҳолашни яқунласин.

4. Белгилансинки:

а) Агентлик «НКМК жамғармаси» ДМ ва «Навоийуран» ДКнинг таъсисчиси ҳисобланади;

б) «НКМК» АЖ устав капитали таъсисчи томонидан «Навоий КМК» ДК оператив бошқарувидан мулк ва мулкӣ ҳуқуқларнинг қисмини, шунингдек, асосий фаолият турига тегишлилиги ва ишлаб чиқариш жараёнларини инobatга олган ҳолда, «Навоий КМК» ДК томонидан «НКМК» АЖ фойдасига бериладиган қимматбаҳо металлларни қазиб олиш учун ер қабри

участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни олиш ҳамда ушбу мулк ва мулкый ҳуқуқларни «НКМК» АЖ акциялари қийматини тўлаш ҳисобига берилиши эвазига шакллантирилади. Бунда «Навоий КМК» ДК мулки ва мулкый ҳуқуқларини «НКМК» АЖ устав капиталига бериш 2019 йил 1 март ҳолатига ўтказилган якуний хатлов далолатномаси ва 2019 йил 30 июнь ҳолатига баҳолаш натижалари бўйича хулосалар асосида амалга оширилади;

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «НКМК» АЖ устав капиталидаги давлат улушининг акциядори (таъсисчиси) функциясини бажаради;

г) «НКМК жамғармаси» ДМ мулки таъсисчи томонидан «Навоий КМК» ДК оператив бошқарувидан унинг мулки қисмини асосий фаолият турига тегишлилиги ва ишлаб чиқариш жараёнларини инобатга олган ҳолда олиш ва кейинчалик ушбу мулкни «НКМК жамғармаси» ДМга оператив бошқарувга бериш орқали шакллантирилади;

д) «НКМК» АЖ ва «НКМК жамғармаси» ДМ амалдаги шартномалар бўйича асосий фаолият турига тегишлилиги ва ишлаб чиқариш жараёнларини инобатга олган ҳамда учинчи томон билан келишилган ҳолда «Навоий КМК» ДКнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади, бунда барча кредит шартномалари (кредиторлар билан келишилган ҳолда) «НКМК» АЖга ўтказилади, «Навоийуран» ДК эса асосий фаолият турига тегишлилиги ва ишлаб чиқариш жараёнларини инобатга олган ҳолда қолган шартномалар бўйича «Навоий КМК» ДК ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишни давом эттиради;

е) «Навоий КМК» ДК ходимларининг «НКМК» АЖ ва «НКМК жамғармаси» ДМга ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 98-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Бунда:

«НКМК» АЖ ва «НКМК жамғармаси» ДМга ўтган ишчи ходимлар билан янги меҳнат шартномаси тузиш талаб қилинмайди, амалдаги меҳнат шартномасига зарур ўзгартиришлар эса иш берувчи томонидан белгиланган тартибда киритилади;

ўтказилган ишчи ходимларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг амалдаги шартлари, шу жумладан белгиланган тариф разрядлари ва ставкалари, мукофотлар, қўшимча ҳақлар ва устамалар, моддий ёрдам ҳамда қонун билан белгиланган район коэффицентлари сақлаб қолинади;

«НКМК» АЖ, «Навоийуран» ДК, «НКМК жамғармаси» ДМ ишчи ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун илгари «Навоий КМК» ДК ишчи ходимлари учун ўрнатилган ижтимоий инфратузилма объектларидан, жумладан тиббий-санитар хизматлар, маданият ва спорт, дам олиш ва соғломлаштириш объектлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ҳамда хизмат турар жойлари, ётоқхоналар ва бошқа объектлардан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқи тўлалигича сақлаб қолинади;

беш йил давомида «НКМК жамғармаси» ДМ ихтиёрига берилаётган «Навоий КМК» ДК ишчи ходимлари сонини қисқартириш ва ижтимоий инфратузилма объектларининг фаолият турини ўзгартиришга йўл қўйилмайди;

«Навоий КМК» ДКдан пенсияга чиққан шахслар ҳамда «НКМК» АЖ, «НКМК жамғармаси» ДМ ва «Навоийуран» ДКда фаолият юритаётган барча ходимлар учун қонун ҳужжатлари ва жамоа шартномасида кўзда тутилган имтиёзлар, шунингдек, тоvon, компенсация ва нафақаларнинг барча турлари (меҳнатда майиб бўлганлик, касб касалликлари, соғлиққа шикаст етганлик, бола парвариши ва бошқалар учун) сақлаб қолинади;

ж) «НКМК жамғармаси» ДМга берилаётган асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган объектлардан ташқари ижтимоий инфратузилма объектларини беш йил давомида хусусийлаштиришга йўл қўйилмайди.

5. «Навоий КМК» ДК ишчи ходимларининг меҳнат фаолияти ва ижтимоий ҳимояси масалаларини комплекс ҳал қилиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 1-иловага* мувофиқ ташкил этилсин.

Қуйидагилар устидан назорат қилиш Комиссиянинг асосий вазифаси этиб белгилансин:

«Навоий КМК» ДК қайта ташкил этилиши даврида «НКМК» АЖ, «Навоийуран» ДК, «НКМК жамғармаси» ДМ ходимларининг меҳнат ҳуқуқлари, имтиёзлари ва кафолатларига риоя этилиши;

меҳнат шартномалари шартларига риоя этилишини ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини таъминлаш чоралари кўрилиши;

«НКМК» АЖ, «Навоийуран» ДК ва «НКМК жамғармаси» ДМ меҳнат шартларига кўра иш ўринларининг аттестация карталари ўз кучида қолиши қисмида қонун талаблари бажарилишини таъминлаш.

Комиссия бир ой муддатда «НКМК» АЖ, «Навоийуран» ДК ва «НКМК жамғармаси» ДМ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги шартлари, шу жумладан белгиланган тариф разрядлари ва ставкалари, мукофотлар, қўшимча тўловлар ва устамалар, моддий ёрдам, шунингдек, район коэффициентлари ва бошқа ижтимоий имтиёзлар сақланишини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар юзасидан таклифлар ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Агентлик билан биргаликда икки ҳафта муддатда «НКМК» АЖ, «Навоийуран» ДК ва «НКМК жамғармаси» ДМ фаолиятини ташкил қилиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳаси ишлаб чиқилишини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин;

Агентлик ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 августга қадар самарали бошқарув тизимини жорий этиш, молиявий-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш ва 2025 йилгача бўлган муддатга инвестиция дастурини тасдиқлашни назарда тутган ҳолда «Навоийуран» ДК фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. 2020 йил 15 мартдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

«НКМК» АЖнинг маъдан захиралари ва захиралар ҳолати тўғрисидаги

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳисоботлари, техник ҳисоботлари, конларнинг камайиши (истикболли майдонлар) тўғрисидаги ҳисоботлари, кон ишлари бўйича лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари Қидирув натижалари, минерал ресурслар ва маъдан захиралари тўғрисида ҳисобот юритишнинг Австралия кодексига (JORC Code) мувофиқ тайёрланади ҳамда улар эълон қилиниши шарт;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат геология қўмитаси) томонидан лицензиялар беришда Қидирув натижалари, минерал ресурслар ва маъдан захиралари тўғрисида ҳисобот юритишнинг Австралия кодекси (JORC Code) стандартлари бўйича «НКМК» АЖ ҳисоботлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларининг давлат балансида ҳисобини олиб бориш учун белгиланган тартибда тайёрланган захиралар бўйича маълумотлар қабул қилинади.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда 2026 йилгача қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастурида назарда тутилган «Навоий КМК» ДК инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини жадаллаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Халқаро молия институтлари ва банкларнинг қарз маблағлари, жумладан кредитлар, облигациялар, еврооблигациялар, лизинг ҳамда қонунчиликда рухсат этилган қарзни молиялаштиришнинг бошқа турларини жалб этиш «НКМК» АЖнинг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни молиялаштиришнинг қўшимча манбалари этиб белгилансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «НКМК» АЖ билан бирга 2020 йил 1 майга қадар:

«НКМК» АЖ молиявий ҳисоботларини молиявий ҳисобот юритишнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва халқаро аудиторлик компанияларини жалб қилган ҳолда мустақил ташқи аудит ўтказиш ишларини якунлаш;

«Навоий КМК» АЖда савдоларнинг рентабеллик даражаси, активлар, актив ва мажбуриятлар айланмаси ҳамда халқаро фонд биржалари ва молия институтлари талабларига мувофиқ аниқланадиган бошқа кўрсаткичларни ошкор этиш амалиётини татбиқ этиш ишларини якунлаш;

2020 йил 1 ноябрга қадар камида 300 миллион АҚШ доллари миқдо-рида корпоратив еврооблигациялар чиқариш бўйича аниқ чоралар кўрган ҳолда «НКМК» АЖнинг молиявий бошқаруви тизимини янада ислоҳ қилиш-ни назарда тутувчи «Йўл харитаси» лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

икки ой муддатда «НКМК» АЖда, шу жумладан кузатув кенгашига икки нафар мустақил аъзони тайинлаш, кузатув кенгаши қошида қўмиталар ташкил этиш, ахлоқ кодекси, манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги низо ва корпоратив бошқарув соҳасидаги бошқа ички ҳужжатларни ишлаб

чиқиш ва тасдиқлашни кўзда тутган ҳолда корпоратив бошқарувнинг энг самарали амалиётлари татбиқ этилишини;

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг даромадларини кўпайтиришни ва иқтисодий самарадорликни инобатга олган ҳолда, қазиб чиқариш бўйича иқтисодий самарадор режа, қимматбаҳо металлларни қайта ишлашнинг замонавий технологияларини жорий этиш, операцион ва капитал харажатларни камайитириш чораларини ўз ичига олувчи «НКМК» АЖ ишлаб чиқариш дастури ва молиявий режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни таъминласин.

12. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қимматбаҳо металллар активларини тўлдириш мақсадида «НКМК» АЖдан аффинланган қимматбаҳо металлларни олди-сотди шартномаси асосида харид қилишда устувор ҳуқуққа эга бўлади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки аффинланган қимматбаҳо металлларни харид қилишни рад этган тақдирда, «НКМК» АЖ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда аффинланган қимматбаҳо металлларни Лондон қимматбаҳо металллар бозори ассоциацияси савдоларида юзага келган нархларда учинчи шахсларга сотиш ҳуқуқига эга.

13. Янги ташкил этилаётган юридик шахсларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида:

Давлат геология қўмитаси икки ҳафта муддатда тўғридан-тўғри музокаралар асосида, очик савдолар ўтказмасдан ва тўловлар олмасдан, «Навоий КМК» ДК буюртманомаларига ва 2-иловага мувофиқ рўйхат бўйича фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва геологик ўрганиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид лицензиялар берилишини таъминласин;

Давлат геология қўмитаси «НКМК» АЖ ва «Навоийуран» ДК буюртманомалари асосида ўн кун муддатда «Навоий КМК» ДКга тегишли бўлган фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни мос равишда «НКМК» АЖ ва «Навоийуран» ДКга бериш ва қайта расмийлаштириш тартиб-таомиллари бажарилишини таъминласин;

«НКМК» АЖга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, фақатгина кредит ва қарз маблағларини кўчириш ҳамда уларни сўндириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисоб рақамлари очишга ва улардан фойдаланишга рухсат этилсин;

2021 йил 1 январга қадар, истисно тариқасида, «НКМК» АЖга Давлат геология қўмитаси, шу жумладан Давлат геология қўмитаси тизимидаги акциядорлик жамиятлари этиб қайта ташкил қилинаётган давлат корхоналари билан геология-қидирув ишларини бажариш бўйича шартномаларни техник шартлар/спецификациялар, иш ҳажмлари ва тузилган шартномаларни мажбурий экспертизадан ўтказмасдан, рақобатлашув асосида харид қилиш тартиб-таомилларисиз тўғридан-тўғри шартномалар орқали тузишга рухсат этилсин.

14. Давлат геология қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда «НКМК» АЖ билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар ушбу қарорга 2-иловада кўрсатилган объектларни босқичма-босқич геологик ўрганишни назарда тутувчи узоқ истикболга мўлжалланган геология-қидирув ишлари дастурини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

«НКМК» АЖ ва «Олмалик КМК» АЖ билан биргаликда 2020 йил якунига қадар янги очилаётган Геология фанлари университети қошида геонновацион илмий-тадқиқот маркази ташкил этилишини таъминласин.

15. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 243-моддаси 17-бандига биноан «Навоий КМК» ДК томонидан ушбу қарорга мувофиқ бепул берилаётган мол-мулк ва мулкый ҳуқуқлар солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди;

«НКМК» АЖ ва «НКМК жамғармаси» ДМ томонидан қўшимча қиймат солиғини ҳисоблаш ва қайта ҳисоблаш таъсисчининг «НКМК» АЖ устав капиталига мол-мулк ва мулк ҳуқуқларини киритиши, «НКМК жамғармаси» ДМнинг мол-мулк ва мулкый ҳуқуқларни оператив бошқарувга олиши, шунингдек, мол-мулк ва мулкый ҳуқуқларни бошқа асосларда берилиши билан боғлиқ операциялар бўйича ҳақиқатда тўловлар қилинмасдан амалга оширилади;

ушбу қарорнинг 4-банди «г» кичик бандига мувофиқ томонлар — «Навоий КМК» ДКни «НКМК» АЖ, «Навоийуран» ДК ва «НКМК жамғармаси» ДМга ўзгартирилиши белгиланган шартномаларга (шартномаларнинг амалдаги шартлари сақланган тақдирда) нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги «Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3550-сон қарори татбиқ этилмайди;

«НКМК» АЖ, «Навоийуран» ДК ва «НКМК жамғармаси» ДМ бошқаруви ва кузатув кенгаши таркибига чет эл фуқароларини жалб этишга аъзолар умумий сонининг 35 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда рухсат берилади.

16. «НКМК» АЖ, «Навоийуран» ДК ва «НКМК жамғармаси» ДМга 2022 йил 1 январгача, истисно тариқасида, ҳўжалик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб беришда, шунингдек, жалб этилаётган қарз маблағлари бўйича таклиф қилинган консультантлар билан, рақобатлашув асосида харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказмасдан ҳамда техник вазибалар/спецификациялар, иш ҳажмлари, тузилган шартномаларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда мажбурий равишда экспертиза қилмасдан ва рўйхатга олмасдан ўзаро тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат этилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 4-ило-вага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банки ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан бир-галикда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-касининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вази-рининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 6 март,
ПҚ-4629-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 6 мартдаги
ПҚ-4629-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Навоий КМК» ДК буюртманомаларига кўра тўғридан-
тўғри музокаралар якунлари бўйича оммавий савдолар
ўтказмасдан ва лицензия берганлик учун тўлов ундирмасдан
Давлат геология қўмитаси томонидан фойдали қазилмаларни
қазиб олиш ва геологик ўрганиш учун ер қаъри
участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи
лицензиялар бериладиган геологик объектлар
РЎЙХАТИ**

1. Геологик объектлар рўйхати

(фойдали қазилмаларни қазиб олишга ер қаъри участкаларидан
фойдаланиш ҳуқуқи учун)

1. Бесапантау
2. Ғарбий Амантайтау
3. Узунбулак
4. Сарыбатыр
5. Асаукак
6. Роҳат
7. Ясвай
8. Колчиктау

9. Нукракон
10. Амантайтау (Марказий ва Шимолий участкалари)
11. Даугыз маъданли майдонининг кичик масштабли объектлари (Шимолий Асаукак, Ғарбий Карасай, Аксай, Ўрталик, Шимолий Даугызтау, Шимоли-шарқий, Шимоли-ғарбий, Тумшуктау, Тасказган, Ясаул, Марказий Карасай, Охактош, Шарқий Карасай)
12. Заркатлам
13. Шарыкты
14. Ғарбий Даугызтау (Мағрибкон)

2. Геологик объектлар рўйхати

(геологик ўрганишга ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун)

1. Балпантау
2. Тамдыбулак
3. Олтин маъданли 2-зона
4. Елсой (Джелсай)
5. Майский
6. Кызылташ
7. Турбай
8. Бозтау
9. Сардор
10. Барханный
11. Телькитау
12. Каскыртау
13. Далний
14. Шимолий
15. Дайковый
16. Пистали
17. Олтин Диёр
18. Чуқурқудук (Триада)
19. Шимолий минераллашган зона
20. Мурунтау маъданли майдон қанотлари
21. Кокпатас кони ёнбағирлари (Ғарбий 1 — 4, 1 — 6, Ғарбий 3-2, 3-3, Йўл бўйи)
22. Караунгур
23. Даугызтау кони ёнбағирлари (Шарқий Даугызтау, Жанубий Даугызтау)
24. Лапак
25. Айбодом
26. Пистали кони ёнбағри (Шимолий, Жанубий, Ғарбий, Шарқий)
27. Сармич
28. Карабугуг
29. Олин маъданли 8-зона

30. Тайман
31. Узункудук — 2
32. Жолдас
33. Олтин маъданли 3-зона
34. Биран
35. Приконтактный
36. Водий
37. Салын
38. Маулян
39. Қумли-2
40. Қумтош
41. Джаманкон-Бижанкара
42. Шимолий Косшоха
43. Биринчи сентябрь

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 6 мартдаги
ПҚ-4629-сон қарорига
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги «Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3067-сон қарори 1-иловасининг 3-позицияси чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПҚ-3487-сон қарори билан тасдиқланган Товарларни (ишлар, хизматларни) харид қилишнинг алоҳида тартиби белгиланадиган, хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналарнинг рўйхатида:

а) 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. «Навоййуран» ДК;

б) қуйидаги мазмундаги 23 ва 24-бандлар билан тўлдирилсин:

«23. «Навойй КМК» АЖ;

24. «Худудгазтаъминот» АЖ».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарори билан тасдиқланган Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатининг 20-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, вазирликлар, идоралар, давлат корхоналари ва муассасаларининг сиҳатгоҳлари ва соғломлаштириш муассасаларига, шунингдек, болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4124-сон қарорида:

а) 2-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Навоий КМК» ДК негизида қимматбаҳо металллар қазиб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича акциядорлик жамиятини, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этилмаган ва асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган активлардан самарали ва оқилона фойдаланиш учун давлат муассасасини ташкил қилиш, кейинчалик «Навоий КМК» ДКни уран ва ноёб металллар қазиб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича давлат корхонаси этиб ўзгартириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин»;

б) 3-банди «г» кичик бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Навоий КМК» ДК негизида ташкил қилинаётган қимматбаҳо металлларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича акциядорлик жамияти — 2023 йилда».

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 6 мартдаги
ПҚ–4629-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 23 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ–4256-сон Фармонига илованинг 7-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 мартдаги «Навоий кон-металлургия комбинатининг кузатув кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–809-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 мартдаги «Навоий кон-металлургия комбинатининг кузатув кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–809-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги ПҚ–1373-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ПҚ–1711-сон қарорига илованинг 8-банди.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

101 Мева ва сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида

«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, мева ва сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотларининг хавфсизлигига қўйиладиган ягона талабларни белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Мева ва сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент (кейинги ўринларда — Техник регламент) ва уни жорий этиш схемаси 1 ва 2-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

Техник регламент расмий эълон қилинган кундан бошлаб ўн саккиз ой ўтгач амалга киритилсин.

2. «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига мувофиқ техник регламентлар амалга киритилиши муносабати билан уларда кўрсатилган маҳсулотлар ва хизматларни стандартлаштириш бўйича илгари қабул қилинган норматив ҳужжатлар мажбурийлик хусусиятини йўқотиши ва белгиланган тартибда қўлланилишида ихтиёрийлик касб этиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. «Ўзстандарт» агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Техник регламент амалга киритилган кундан бошлаб мева ва сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотларини стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни қўллашда уларнинг мажбурийлик хусусиятини бекор қилиш ва ихтиёрийлигини таъминлаш юзасидан белгиланган тартибда чора-тадбирлар кўрсин.

4. «Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХК, «Ўзстандарт» агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда Техник регламентнинг мақсадлари, мазмуни ва уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг кенг хабардор қилинишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.И. Барноевга ҳамда Ўзбекистон Рес-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 мартда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

публикаси Бош вазирининг саноатни ва кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси Б.А. Ходжаевга юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 4 март,
119-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 4 мартдаги 119-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Мева ва сабзавотлардан олинган шарбат
маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги
УМУМИЙ ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ**

1-боб. Умумий қоидалар

1-§. Мақсади ва қўллаш доираси

1. Мева ва сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент (кейинги ўринларда – Техник регламент) инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилишидан сақлаш мақсадида мева, сабзавотлар ва резавор мевалардан тайёрланган шарбат маҳсулотларининг хавфсизлигига бўлган талабларни белгилайди.

2. Техник регламентнинг техник жиҳатдан тартибга солинадиган объектларига ишлаб чиқариш технологик жараёнлари, транспортда ташиш, сақлаш ва ташишга бўлган талаблар ўрнатилган мева ва (ёки) сабзавотлар ва (ёки) резавор мевалардан тайёрланган шарбат маҳсулотлари киради.

Техник регламент одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш ва сотиб олувчиларнинг (истеъмолчиларнинг) адашишига олиб келувчи ҳаракатлардан огоҳлантириш мақсадида объектларга нисбатан қуйидаги талабларни ўрнатади:

мевалар ва (ёки) сабзавотлар ва (ёки) резавор мевалардан тайёрланган шарбат маҳсулотларига қўйиладиган талаблар;

мевалар ва (ёки) сабзавотлар ва (ёки) резавор мевалардан тайёрланган шарбат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, транспортда ташиш, сақлаш ва ташиш жараёнларига қўйиладиган талаблар;

мевалар ва (ёки) сабзавотлар ва (ёки) резавор мевалардан тайёрланган шарбат маҳсулотларини идентификация қилиш қоидалари;

мевалар ва (ёки) сабзавотлар ва (ёки) резавор мевалардан тайёрланган шарбат маҳсулотларини тамғалашга қўйиладиган талаблар.

3. Техник регламент шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқариш учун мўлжалланмаган ҳамда экспортга мўлжалланган мева ва (ёки) сабзавот ва (ёки) резавор мевалардан олинган шарбат маҳсулотларига татбиқ этилмайди.

2-§. Атамалар ва таърифлар

4. Техник регламентни қўллаш мақсадлари учун қуйидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилади:

шарбат — ачитилмаган, аммо ачиши мумкин бўлган сифатли, тегишли даражада пишган, янги мева, сабзавотлар ва резавор меваларнинг ейишли қисмларига ёки тегишли ишлов бериш ёрдамида шикастланмаган янги ҳолда сақланган мева, сабзавотлар ва резавор меваларга жисмоний таъсир кўрсатиш йўли билан олинган суюқлик;

тўғридан-тўғри сиқилган шарбат — янги ёки янги ҳолатда сақлаб қўйилган мева, сабзавотлар ва резавор меваларга механик ишлов бериш йўли билан ишлаб чиқарилган шарбат;

тўғридан-тўғри сиқилган янги шарбат — истеъмолчилар иштирокида ишлаб чиқарилган ва консервация қилинмаган тўғридан-тўғри сиқилган шарбат;

тикланган шарбат — концентрация қилинган шарбат ёки концентрация қилинган шарбат ва тўғридан-тўғри сиқилган шарбат ҳамда ичимлик сувидан ишлаб чиқарилган шарбат. Тикланган мева, сабзавот, резавор мева шарбати концентрация қилинган мева шарбатлари, сабзавот пастаси ҳамда мева ёки сабзавот пюреларининг тикланиши йўли билан ҳам ишлаб чиқарилиши мумкин;

концентрация қилинган шарбат — тўғридан-тўғри сиқилган шарбатга нисбатан эрийдиган қуруқ моддалар таркибини камида икки баробар кўпайтиришни таъминлаган ҳолда тўғридан-тўғри сиқилган шарбатдан унинг таркибидаги сувли қисмини жисмоний таъсир остида олиб ташлаш йўли билан ишлаб чиқарилган шарбат;

диффузион шарбат — бир турдаги янги мевалар ва сабзавотлар ёки қуритилган мевалар ва сабзавотлардаги экстрактив моддаларни ичимлик суви ёрдамида олиш йўли билан ишлаб чиқарилган шарбат, бу мевалардаги шарбат уларга механик ишлов бериш йўли билан олинмайди;

аралаштирилган шарбат (бойитилган) — турли, икки ва ундан ортиқ турдаги шарбатларни аралаштириш йўли билан ишлаб чиқарилган шарбат (шакар ёки шакар сиропи билан);

нектар — мева ёки сабзавот пюреси, концентрация қилинган мева ёки сабзавот пюресини ичимлик суви билан шакар ёки шакар моддалари ёки асал, ширин қилувчи моддалар ҳамда табиий озиқ-овқат хушбўй ҳид берувчиларини қўшиб ёки уларни қўшмаган ҳолда аралаштириш йўли билан ишлаб чиқарилган суюқ ачитилмаган, ачиши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулоти;

таркибида шарбат бўлган мевали ва сабзавотли ичимлик —

мева ёки сабзавот пюреси, концентрация қилинган мева ёки сабзавот пюресини ичимлик сув билан аралаштириш йўли билан ишлаб чиқарилган, ачитилмаган, ачиши мумкин бўлган суюқ озиқ-овқат маҳсулоти. Ундаги шарбатнинг ёки мева ва сабзавот пюресининг энг кичик ҳажми улуши камида 10 фоизни ёки бундай маҳсулот лимон ёки лайм шарбатидан юқорида кўрсатилган усул билан тайёрланган бўлса камида 5 фоизни ташкил қилади;

морс — резавор меваларга механик ишлов бериш йўли билан, уларга ичимлик суви, шакар ёки шакар моддалари ёки асал қўшиш орқали олинган шарбат ва (ёки) пюредан тайёрланган суюқ озиқ-овқат маҳсулоти. Ундаги шарбатнинг ёки пюренинг энг кичик ҳажми улуши камида 15 фоизни ташкил қилади;

концентрация қилинган морс — морсга нисбатан эрийдиган қуруқ моддалар таркибини камида икки баробар кўпайтиришни таъминлаган ҳолда морсдан унинг таркибидаги сувли қисмини жисмоний таъсир остида олиб ташлаш йўли билан ишлаб чиқарилган морс;

мева (сабзавот) пюреси — механик ишлов бериш — бутун ёки пўстлоғидан тозаланган янги ёки янги ҳолатда сақлаб қўйилган меваларнинг (сабзавотларнинг) ейишли қисмини, кейинчалик шарбатни мева (сабзавот) қуйқасидан (мякоть) ажратиб олмаган ҳолда, майдалаш ва янчиш йўли билан ишлаб чиқарилган ачитилмаган, ачиши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулоти;

аралаштирилган мева (сабзавот) пюреси — турли, икки ва ундан ортиқ турдаги пюреларни аралаштириш йўли билан ишлаб чиқарилган ачитилмаган, ачиши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулоти;

концентрация қилинган мева (сабзавот) пюреси — бир хил номли пюрега нисбатан эрийдиган қуруқ моддалар таркибини камида 50 фоизга кўпайтиришни таъминлаган ҳолда мева (сабзавот) пюресидан унинг таркибидаги сувли қисмини жисмоний таъсир остида олиб ташлаш йўли билан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулоти. Концентрация қилинган мева (сабзавот) пюресига бир хил номли меваларнинг (сабзавотларнинг) концентрация қилинган табиий ҳушбўй хид берувчи моддаларини қўшиш мумкин;

табиий ҳушбўй мева (сабзавот) моддалари — мева (сабзавотлар) ёки улардан олинган шарбатларга табиий таъм ва хид бағишловчи ва шундай мевалар ёки сабзавотлар ва улардан олинган шарбатлардан физик усуллар билан олинган учувчан ва ноучувчан табиий бирикмалар аралашмаси;

концентрация қилинган табиий ҳушбўй мева (сабзавот) моддалари — бир хил номли мевалар ёки сабзавотлар ва улардан олинган шарбатлардан физик усулларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилган, таркибида табиий ҳушбўй мева (сабзавот) моддалари (учувчан ва ноучувчан табиий бирикмалар) бўлган суюқ маҳсулотлар бўлиб, уларнинг миқдори мева ёки сабзавотлар ва улардан олинган шарбатлардаги табиий миқдоридан камида тўрт баробар кўпдир;

цитрус мевалар ҳужайралари — таркибида шарбат бўлган ёки

бўлмаган, цитрус меваларнинг ейишли қисмининг ички сегментини шакллантирувчи ва цитрус меваларнинг эпидермис ҳамда субэпидермал ҳужайраларидан тузилган катта миқдордаги ҳажмли қобикли тузилмалар;

мева (сабзавот) қуйқаси (мякоть) — меваларга (сабзавотларга) ишлов бериш вақтида уларнинг бузилган тўқималаридаги эримайдиган муаллақ заррачалардан иборат аралашма;

шарбат маҳсулоти — бу мева, сабзавот, резавор мевалар шарбати; мева, сабзавот, резавор мевалар нектари; таркибида шарбат бўлган ичимликлар; морслар; ишлаб чиқарилиши ва ишлов берилиши усулларида қатъи назар мева (сабзавот) пюрелари;

болалар озуқа маҳсулотлари учун шарбат маҳсулотлари — кичик ёшдаги (3 ёшгача), мактабгача ёшдаги (3 дан 6 ёшгача) ва мактаб ёшидаги (6 ва ундан юқори) болалар озуқаси учун мўлжалланган ва тегишли ёш гуруҳидаги болалар организмнинг физиологик эҳтиёжларига жавоб берувчи шарбат маҳсулоти;

болалар озуқа маҳсулотлари учун шарбат маҳсулотлари — кичик ёшдаги (3 ёшгача), мактабгача ёшдаги (3 дан 6 ёшгача) ва мактаб ёшидаги (6 ва ундан юқори) болалар озуқаси учун мўлжалланган ва тегишли ёш гуруҳидаги болалар организмнинг физиологик эҳтиёжларига жавоб берувчи шарбат маҳсулоти;

шарбат маҳсулотини консервация қилиш — микробиологик барқарорлик ва маҳсулотнинг яроқлилиқ муддати давомида ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган шароитларда сақлашда уларнинг хавфсизлигини таъминловчи, шарбат маҳсулотини герметик ёпилган қadoққа жойлаштирилишидан аввал ва жойлаштирилганидан сўнг унга теплофизик ишлов бериш жараёни;

мевалар — ушбу Техник регламентга 1-иловада* санаб ўтилган экиладиган ва ёввойи мевали ўсимликларнинг ейишли ширали мевалари;

сабзавотлар — ушбу Техник регламентга 1-иловада санаб ўтилган ўтсимон ўсимликларнинг ейишли ширали қисмлари мевалари;

резавор мевалар — ушбу Техник регламентга 1-иловада санаб ўтилган юпқа қобикли, ширали мағизга эга, одатда ичида бир нечта қаттиқ уруғлари бўлган мевалар.

3-§. Шарбат маҳсулотининг муомаласи қоидалари

5. Шарбат маҳсулоти Техник регламент талабларига жавоб берган тақдирда Ўзбекистон Республикаси бозорига муомалага киритилади.

6. Техник регламент талабларига мос келувчи ва мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) жараёнидан ўтганидан сўнг шарбат маҳсулоти бозордаги маҳсулот муомаласи (мувофиқлиги)нинг ягона белгиси билан тамғаланади.

7. Шарбат маҳсулотининг ҳар бир туркуми муомалага киритилганида унга сифат тўғрисидаги ҳужжат илова қилинади.

Ҳужжат қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шарбат маҳсулотининг номи;
ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг номи, уларнинг жойлашган жойи;
шарбат маҳсулотига талабларни белгиловчи Техник регламентнинг белгиси;

шарбат маҳсулотининг Техник регламент талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи синовларнинг норматив кўрсаткичлари ва ҳақиқий натижалари;

шарбат маҳсулотларида компонентлар ва озиқ-овқат қўшимчаларининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар;

ишлаб чиқариш санаси;

шарбат маҳсулотларининг яроқлилиқ муддати;

сақлаш шароитлари;

Техник регламент талабларига жавоб бермайдиган ёки яроқлилиқ муддати тугаган шарбат маҳсулотларини утилизация қилиш ёки уларни йўқ қилиш шартлари;

сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотлар;

сифатни тасдиқловчи ҳужжатнинг берилган санаси ва рақами;

сифатни тасдиқловчи ҳужжатни расмийлаштирган шахснинг имзоси.

4-§. Шарбат маҳсулотини идентификация қилиш

8. Техник регламент қўлланилувчи шарбат маҳсулотининг техник жиҳатдан тартибга солинувчи объектлар сирасига тегишлилигини белгилаш мақсадида шарбат маҳсулотининг идентификацияси манфаатдор шахслар томонидан истеъмол қадоқларига туширилган ёки муҳсулотларга илова қилинадиган ҳужжатларда кўрсатилган номларини ушбу Техник регламентнинг 2-параграфида назарда тутилган номлари билан солиштириш орқали тадқиқотлар (синовлар) ўтказмаган ҳолда амалга оширилади.

9. Шарбат маҳсулотининг ўз номига мувофиқлигини белгилаш мақсадида шарбат маҳсулотининг идентификацияси маҳсулотнинг физик-кимёвий, органолептик ва бошқа кўрсаткичларини биргаликда баҳолаш йўли билан амалга оширилади ва уларга қуйидагилар кириди:

шарбат маҳсулотининг ушбу Техник регламентнинг 2-параграфида кўрсатилган белгилари;

тегишли шарбат маҳсулотини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган мева, сабзавот ва резавор мевалар номлари;

эрийдиган қуруқ моддаларнинг шарбатлар ва мевали (сабзавотли) пюрелар таркибидаги миқдори;

мева (сабзавот) нектарларидаги, морслардаги, мева ва сабзавот ичимликларидаги шарбат, мева (сабзавот) пюреларининг энг кичик ҳажми улуши, шунингдек, истеъмолчиларнинг (сотиб олувчиларнинг) адашишига шубҳа туғилганидаги шарбат, мева ва сабзавот пюреларининг улар учун хос бўлган сортли, географик, иқлимий, қишлоқ хўжалиги ва технологик омилларни ҳисобга олган ҳолдаги кимёвий таркибининг мумкин бўлган табиий хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар.

2-боб. Шарбат маҳсулотлари хавфсизлигига қўйиладиган талаблар

1-§. Шарбат маҳсулотлари хавфсизлигига қўйиладиган гигиеник талаблар

10. Республика ҳудудида муомала бўлган шарбат маҳсулотлари инсон ҳаёти ва соғлигига зарар етказмаслиги ва ушбу Техник регламентга 2-иловага* мувофиқ консервация қилинган шарбат маҳсулоти (саноат стериллиги талаблари) шарбат маҳсулотлари хавфсизлигининг кимёвий кўрсаткичлари талаблари ва рН 3,8 ва ундан паст миқдорда углекислота қўшилган газланган ва консервация қилинган шарбат маҳсулотлари ҳамда концентрация қилинган морслар ва концентрация қилинган мева (сабзавот) пюрелари хавфсизлигининг микробиологик кўрсаткичлари талабларига жавоб бериши лозим.

11. Болалар озуқаси учун шарбат маҳсулоти ушбу Техник регламентга 2-иловага мувофиқ патоген микроорганизмларнинг гигиеник ва микробиологик кўрсаткичлари қисми талаблари, шунингдек, унинг хавфсизлик талабларига жавоб бериши лозим.

12. Болалар озуқаси учун шарбат маҳсулотини ишлаб чиқаришда таркибида генетик жиҳатдан модификация қилинган (генетик-инженерлик, трансген) организмлар (кейинги ўринларда ГМО деб аталади) бўлган мева-лар ва сабзавотлар, концентрация қилинган диффузион шарбат, шунингдек, таркибида ГМО бўлган қўшимча компонентлар ва озуқавий қўшимчалар, ширин қилувчи моддалар (қандли диабет билан касалланган болалар учун мўлжалланган махсус шарбат маҳсулотлари бундан мустасно), хушбўй ҳид берувчилар (табiiй хушбўй ҳид берувчилардан ташқари) ва бошқа компонентлар ва озуқавий қўшимчалар қўшишга йўл қўйилмайди.

13. Кичик ёшдаги болалар учун шарбат маҳсулотларига хушбўй ҳид берувчилар, ранг берувчи моддалар, консервантлар ва ранг берувчи экстрактларни қўшишга йўл қўйилмайди.

14. Болалар учун тайёр шарбат маҳсулотлари таркибидаги эрийдиган қуруқ моддалар миқдори қуйидагича бўлиши лозим:

а) кичик ёшдаги болалар учун:

камида 4 фоиз ва 16 фоиздан кўп эмас — мевадан тайёрланган шарбат маҳсулотлари учун ва уларнинг сабзавот шарбати қўшилган маҳсулотлари учун;

камида 4 фоиз ва 10 фоиздан кўп эмас — сабзавотдан (сабзи ва қовоқдан тайёрланган шарбат маҳсулотлари бундан мустасно) тайёрланган шарбат маҳсулотлари учун ва уларнинг мева шарбати қўшилган маҳсулотлари учун;

камида 4 фоиз ва 11 фоиздан кўп эмас — сабзи ва қовоқдан тайёрланган шарбат маҳсулотлари учун ва уларнинг мева шарбати қўшилган маҳсулотлари учун;

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун:

16 фоиздан кўп эмас — мевадан тайёрланган шарбат маҳсулотлари учун ва уларнинг сабзавот шарбати қўшилган маҳсулотлари учун;

10 фоиздан кўп эмас — сабзавотдан (сабзи ва қовоқдан тайёрланган шарбат маҳсулотлари бундан мустасно) тайёрланган шарбат маҳсулотлари учун ва уларнинг мева шарбати қўшилган маҳсулотлари учун;

11 фоиздан кўп эмас — сабзи ва қовоқдан тайёрланган шарбат маҳсулотлари учун.

15. 5-оксиметилфурфурол таркиби: болалар озуқаси учун цитрус мевалардан тайёрланган шарбат маҳсулотларида 10 mg/l дан, болалар озуқаси учун бошқа мева ва сабзавотлардан тайёрланган шарбат маҳсулотларида 20 mg/l дан ошмаслиги лозим.

16. Кичик ёшдаги болалар учун шарбат маҳсулотларидаги титрланадиган кислоталарнинг оғирлик улуши цитрус мевалардан тайёрланган шарбат маҳсулотлар учун 1,2 фоиздан ошмаслиги (сувсиз лимон кислотасига нисбатан ҳисобланганда) ва бошқа мевалардан (сабзавотлардан), мева ва сабзавот нектарларидан, цитрус мевалардан тайёрланган, таркибида мева ва сабзавот шарбати бўлган ичимликлардан тайёрланган шарбат маҳсулотлар учун 0,8 фоиздан ошмаслиги лозим (олма кислотасига нисбатан ҳисобланганда).

17. Мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун мева ва сабзавотлардан тайёрланган шарбат маҳсулотларидаги титрланадиган кислоталарнинг оғирлик улуши 1,3 фоиздан ошмаслиги лозим (цитрус мевалардан тайёрланган шарбат маҳсулотлари учун сувсиз лимон кислотасига нисбатан ҳисобланганда, бошқа турдаги мева ва сабзавотлардан тайёрланган шарбат маҳсулотлари учун олма кислотасига нисбатан ҳисобланганда).

18. Кичик ёшдаги болалар учун таркибида мева ва сабзавот қуйқаси (мякоть) бўлган шарбат маҳсулотлари гетерогенлик даражасини камайтириш мақсадида гомогенизация қилиниши лозим.

19. Кичик ёшдаги болалар учун шарбат маҳсулотлари 0,35 литрдан кўп бўлмаган қадоқларда муомалага киритилиши лозим.

20. Таркибида мева ва сабзавот шарбатлари бўлган ичимликлардан ташқари бошқа шарбат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фақат ушбу параграфда ва ушбу Техник регламентга 3-иловада* номлари, таркиби ва технологик вазифалари кўрсатилган компонент ва озиқ-овқат қўшимчалари қўлланилиши мумкин.

21. Шарбат маҳсулотлари таркибидаги компонентлар ва озиқ-овқат қўшимчаларининг миқдори мева ва сабзавотлардан тайёрланган, концентрация қилинмаган шарбат маҳсулотларига нисбатан белгиланади.

Кўрсатилган компонентлар ва озиқ-овқат қўшимчаларининг таркибий миқдори ушбу Техник регламентга 1-илова талабларига мувофиқ, концентрация қилинган шарбатлар, концентрация қилинган морслар ва концентрация қилинган мева ва сабзавот пюреларига нисбатан бир номдаги тикланган шарбатлардаги ёки мева (сабзавот) пюресидаги эрийдиган қуруқ моддаларнинг минимал миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади.

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

22. Таркибида шарбат бўлган ичимликларни ишлаб чиқаришда ушбу параграф ва ушбу Техник регламентга 3-иловада кўрсатилган компонентлар ва озиқ-овқат қўшимчалари билан бир қаторда техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга асосан бошқа компонентлар ва озиқ-овқат қўшимчалар ишлатилиши мумкин.

23. Шарбатлар ва пюреларни тиклаш учун ишлатиладиган ичимлик сув, таркибида нитрат миқдори 25 mg/l дан, натрий миқдори 50 mg/l дан ортик бўлмаган қўшимча талабларга жавоб бериши лозим.

24. Шарбатлар, нектарлар, таркибида шарбат бўлган ичимликларни бойитиш учун ушбу Техник регламентнинг 26-бандида номлари кўрсатиб ўтилган озиқ-овқат ва (ёки) биологик фаол моддалар ишлатилиши мумкин.

25. Шарбат маҳсулоти, агар айнан шу маҳсулотнинг 300 миллилитрида камида битта озиқ-овқат ва (ёки) биологик фаол моддаларнинг миқдори Техник регламентга асосан тавсия қилинадиган асосий озиқ-овқат моддаларига бўлган ўртача кунлик эҳтиёжга нисбатан камида 15 фоиз ва кўпи билан 50 фоизни ташкил этса, бойитилган ҳисобланади.

26. Бойитилган шарбат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда озиқ-овқат ва (ёки) биологик фаол моддалар сифатида озиқ-овқат саноатида белгиланган тартибда рухсат этилган витаминлар, витаминга ўхшаш моддалар, каротиноидлар, минерал моддалар, органик кислоталар, озиқ-овқат толалари, полиўйинмаган ёғ кислоталари, полисахаридлар, полифенол кислоталар, периодиклар, фитостеринлар, флавоноидлар ишлатилиши мумкин.

Бошоқли ўсимликлар, дуккакли ўсимликлар, ёнғоқлар экстрактлари, озиқ-овқат саноатида белгиланган тартибда қўлланилиши мумкин бўлган бошқа ўсимлик экстрактлари озиқ-овқат ва биологик фаол моддалар манбаи бўлиши мумкин.

Бойитилган шарбат маҳсулотининг бир хиллигини таъминлаш учун унга лецитин озиқ-овқат маҳсулотини қўшиш мумкин. Шарбатнинг эрийдиган қуруқ моддаларининг ўрнини қоплаш учун кўрсатиб ўтилган моддаларни қўшишга йўл қўйилмайди.

27. Шарбатлар, мева ва сабзавот нектарлари, мева ва сабзавот пюрелари, концентрация қилинган шарбатлар ва концентрация қилинган мева ва (ёки) сабзавот пюреларини ишлаб чиқаришда хушбўй ҳид берувчиларни ишлатиш тақиқланади.

28. Таъмини бирхиллаштириш мақсадида шарбатларга шакар ёки шакар моддалар ёки уларнинг эритмалари ёки сиропларини тайёр маҳсулот оғирлигининг 1,5 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда қўшиш мумкин ва шарбатнинг эрийдиган қуруқ моддалари ўрнини босиш мақсадида амалга оширилиши мумкин эмас. Тўғридан-тўғри сиқилган шарбатларга шакар ва шакар моддалар сиропини эрийдиган қуруқ моддалар ўрнини босиш мақсадида қўшишга йўл қўйилмайди.

29. Шакар ёки шакар моддалар ва шарбат кислоталилиги регуляторларини бир вақтнинг ўзида битта шарбатга қўшиш тақиқланади.

30. Болалар озуқаси учун шарбат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган компонентлар ва озиқ-овқат қўшимчалари, Техник

регламентнинг 20 — 29, 31 — 34-бандларида белгиланган талаблар ва ушбу параграфда ўрнатилган талабларга жавоб бериши лозим.

31. Кичик ёшдаги болалар учун шарбат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фақат сут, вино, олма кислоталарининг ва улар тузларининг табиий изомерларини қўллаш мумкин.

32. Ош тузининг миқдори, агар болалар учун мўлжалланган сабзавотлардан тайёрланган шарбат маҳсулотларига қўшилса, қуйидаги миқдорда бўлиши керак:

кўпи билан 0,4 фоиз — ёш болалар учун. 12 ойдан ошган болалар учун мўлжалланган томат шарбати бундан мустасно;

кўпи билан 0,6 фоиз — 12 ойдан ошган болалар учун мўлжалланган томат шарбати учун;

кўпи билан 0,6 фоиз — мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун.

33. Агар болалар овқатлари учун мева ва сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотлари таркибига аскорбин кислотаси ва темир моддаси кирган озуқавий ва биологик фаол моддалар билан бойитилса, аскорбин кислотасининг миқдори бир килограмм тайёр маҳсулот учун 750 миллиграммдан, темир моддасининг миқдори бир килограмм тайёр маҳсулот учун 30 миллиграммдан ошмаслиги керак.

34. Болалар озуқаси учун фойдаланиладиган шарбат маҳсулотлари таркибига қўшилган шакар ва шакарлар миқдори мевали ва сабзавотли нектар ёки таркибида шарбат бўлган мевали ва/ёки сабзавотли ичимлик тайёр массасининг 10 фоизидан ва тайёр морс массасининг 12 фоизидан кўп бўлмаслиги шарт. Мевали шарбатлар таркибига шакар ва шакарлар қўшишга йўл қўйилмайди.

35. Шарбат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ушбу Техник регламентга 3-иловада номи ва рухсат этилган қолдиқ миқдори қўрсатилган озиқ-овқат қўшимчалари ва технологик воситалар ишлатилиши керак.

2-§. Шарбат маҳсулотларини ташиш ва муомаласига қўйиладиган талаблар

36. Ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва ишлаб чиқарувчи томонидан ваколат берилган шахслар шарбат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни муомалага чиқариш ишларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Техник регламент талабларига мувофиқ амалга оширишлари шарт.

37. Шарбат маҳсулотлари озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш учун мўлжалланган танкерлар, резервуарлар, флексиён танкларда ташилиши керак.

38. Шарбат маҳсулотларини тўлдирилган ҳолда ташишда фойдаланиладиган транспорт воситалари юк қисмларининг ички юзаларини (танкерлар, резервуарлар ва флексиён танкларни) ювишда ишлатиладиган сув, техник тартибга солиш доирасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мос бўлиши керак.

39. Шарбат маҳсулотларини ташиш учун ишлатиладиган транспорт

воситалари ва/ёки идишлар ёки махсус идишлар бундай маҳсулотларнинг зарур ҳароратини сақлаб туриш учун мос равишда жиҳозланган бўлиши керак.

40. Шарбат маҳсулотининг ҳар бир тўпи муомалага чиқарилганда Техник регламентнинг талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган юк ҳужжатлари илова қилиниши керак.

41. Шарбат маҳсулотларини сақлаш ва сотишда уларга сақлаш шартлари ва сақлаш муддати тўғрисидаги маълумотлар илова қилиниши керак.

3-§. Шарбат маҳсулотларини утилизация қилиш жараёнига қўйиладиган талаблар

42. Техник регламент талабларига жавоб бермайдиган шарбат маҳсулотлари техник тартибга солиш доирасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ ваколатли органларнинг қарори билан қайтарилиши ёки йўқ қилиниши керак.

43. Шарбат маҳсулотларини утилизация қилиш (қайта ишлаш) таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат назорати органлари ва жамоатчилик вакиллари кирадиган комиссия иштирокида амалга оширилади.

44. Шарбат маҳсулотларини йўқ қилиш усуллари ва шартлари унинг эгаси томонидан тегишли давлат органи билан келишилади.

3-боб. Тамғалаш ва қадоқлашга, намуналарни танлашга, уларни синашга ва хавфсизлик талабларига мувофиқлигини баҳолашга қўйиладиган талаблар

1-§. Мева ва сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотларини тамғалаш ва қадоқлашга қўйиладиган талаблар

45. Шарбат маҳсулотларини тамғалаш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 июлдаги 490-сон қарори билан тасдиқланган Озиқ-овқат маҳсулотини тамғалаш юзасидан унинг хавфсизлиги тўғрисидаги Умумий техник регламент ва қадоқлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июлдаги 476-сон қарори билан тасдиқланган Озиқ-овқат маҳсулотларига тегиб турадиган қадоқларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги Умумий техник регламент талабларига мувофиқ амалга оширилади.

46. Истеъмол идишларга қўйилган шарбат маҳсулотларини тамғалаш ва қадоқлаш техник жиҳатдан тартибга солиш доирасидаги меъёрий ҳужжатлар ва Техник регламентнинг ушбу боб 1-параграфи талабларига мувофиқ бўлиши керак.

47. Мева ва сабзавот шарбатлари маҳсулотларининг номлари, кетма-кетлигидан қатъи назар, бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган мева ва сабзавотларнинг номларидан олинган сўзларни ўз ичига олиши керак. Мева ва сабзавотларнинг ўзбек тилидаги номлари ушбу

Техник регламентга 1-иловада келтирилган номларга мувофиқ кўрсатилган.

«Мевалар», «резаворлар», «сабзавотлар» ёки «мевали», «резаворли», «сабзавотли» сўзлари ўрнига мева ва сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотлар номларига қуйида келтирилган номлар киритилиши мажбурийдир:

«мевали шарбат», «резавор мевали шарбат», «сабзавотли шарбат» ёки «мевалардан олинган шарбат», «резавор мевалардан олинган шарбат», «сабзавотлардан олинган шарбат»;

«концентрация қилинган мевали шарбат», «концентрация қилинган резавор мевали шарбат», «концентрация қилинган сабзавотли шарбат» ёки «мевалардан олинган концентрация қилинган шарбат», «резавор мевалардан олинган концентрация қилинган шарбат», «сабзавотлардан олинган концентрация қилинган шарбат»;

«диффузион мева шарбати», «диффузион резавор мева шарбати», «диффузион сабзавот шарбати» ёки «мевалардан олинган диффузион шарбат», «резавор мевалардан олинган диффузион шарбат», «сабзавотлардан олинган диффузион шарбат»;

«мевали нектар», «резавор мевали нектар», «сабзавотли нектар» ёки «мевалардан олинган нектар», «резавор мевалардан олинган нектар», «сабзавотлардан олинган нектар»;

«шарбати бор мевали ичимлик», «шарбати бор резавор мевали ичимлик», «шарбати бор сабзавотли ичимлик» ёки «мевалардан олинган шарбати бор ичимлик», «резавор мевалардан олинган шарбати бор ичимлик», «сабзавотлардан олинган шарбати бор ичимлик»;

«резавор мевали морс» ёки «резавор мевалардан олинган морс»;

«мева пюреси», «резавор мева пюреси», «сабзавот пюреси» ёки «мевалардан олинган пюре», «резавор мевалардан олинган пюре», «сабзавотлардан олинган пюре»;

«концентрация қилинган мева пюреси», «концентрация қилинган резавор мева пюреси», «концентрация қилинган сабзавот пюреси» ёки «мевалардан олинган концентрация қилинган пюре», «резавор мевалардан олинган концентрация қилинган пюре», «сабзавотлардан олинган концентрация қилинган пюре».

48. Икки ёки ундан ортиқ турдаги мевалардан (сабзавотлардан, резавор мевалардан) тайёрланган шарбат маҳсулотларининг номи маҳсулот таркибига кирувчи шарбатларнинг ва (ёки) мева ва (ёки) сабзавот пюресининг номларини ўз ичига олиши керак ва тегишли шарбат ва (ёки) пюре ҳажм улуши камайиши тартибида кўрсатилади.

Икки ва ундан ортиқ мева ва (ёки) сабзавот турларидан тайёрланган шарбат маҳсулотлари номида шарбатлар ва (ёки) мевали ва (ёки) сабзавотли пюре номлари «аралашган мевали ва (ёки) резавор мевали ва (ёки) сабзавотли», «кўп мевали» («мульти мевали») ёки «кўп резавор мевали» («мульти резавор мевали») ёки «кўп сабзавотли» («мульти сабзавотли») сўзлари ёки мевалар ва сабзавотлар гуруҳининг номи билан алмаштирилиши мумкин.

49. Тўғридан-тўғри сиқилган шарбат номида ёки бевосита шарбат номига яқин жойда «тўғридан-тўғри сиқилган» сўзи кўрсатилиши шарт.

50. Тикланган шарбат номида ёки бевосита шарбат номига яқин жойда «тикланган» сўзи кўрсатилиши зарур.

51. Шакар, шакарлар ёки уларнинг аралашмалари қўшилган шарбатларнинг номлари «шакар билан» ёки «шакарлар билан» сўзлари билан тўлдирилиши лозим.

52. Агар таъм берувчилар мева-сабзавот нектарини ёки мева-сабзавот шарбатли ичимлик ишлаб чиқаришда ишлатилса, бундай нектар ёки шарбатли ичимликларнинг номларига «таъм берувчи билан» ёки «таъм берувчилар билан» сўзлари қўшилиши керак.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг таркиби кўрсатилгандан сўнг бевосита «таркибида таъм берувчи (таъм берувчилар) мавжуд. Ҳаддан зиёд истеъмол қилинганда кучсизлантирувчи таъсир кўрсатиши мумкин» сўзлари қўшилиши керак.

Агар мева ва сабзавот нектарида ёки мева ва сабзавот шарбатли ичимликлар таркибида аспартам мавжуд бўлса, истеъмол қадоқоғида «таркибида фенилаланин манбаи мавжуд» деган ёзув жойлаштирилган бўлиши шарт.

53. Озуқавий туз қўшиб сабзавотдан ишлаб чиқарилган шарбатининг истеъмол қадоқларида бундай маҳсулотлар номи ёнига «туз билан» ёзуви жойлаштирилиши керак.

54. Асал қўшилган шарбат маҳсулотларининг номи ёнига «асал билан» ёзуви жойлаштирилиши керак.

55. Болалар озиқ-овқатлари учун шарбат маҳсулотларининг истеъмол қадоғида бундай маҳсулотларнинг номи ёки унинг ёнида «болалар овқатлари учун» ёки болаларнинг овқатланиши учун бундай маҳсулотларнинг мақсадини акс эттирувчи бошқа сўзлар, шунингдек, болаларнинг ёш тоифалари, бундай маҳсулотлар уларга мўлжалланганлиги тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши ва истеъмол товарлари қадоқлари очилгандан кейин уларни сақлаш муддати ва шартлари бўйича тавсиялар жойлаштирилиши шарт.

56. Ҳаётнинг биринчи йилидаги болалар учун шарбат маҳсулотларининг истеъмол қадоғида боланинг ёши (ойлар билан) кўрсатилади, шу ёшдан бошлаб мазкур маҳсулотларни болалар рационига киритиш тавсия этилади ва уни истеъмоли тўғрисида тавсиялар берилади. Бунда тўрт ойдан кичик боланинг ёшини кўрсатишга йўл қўйилмайди.

57. Агар концентрация қилинган шарбат ёки концентрация қилинган морс истеъмолчиларга сотилиши мўлжалланган бўлса ва истеъмол қилишдан олдин тикланиши лозим бўлса, уларни қайта тиклаш қодалари бундай маҳсулотларнинг истеъмол қадоқларида кўрсатилиши шарт.

58. Мева ва сабзавот нектарлари, морслар, мева ва сабзавот шарбатли ичимликларнинг истеъмол қадоқларида шарбат ва мева ва сабзавот пюре-сининг минимал ҳажми улуши тўғрисида маълумотлар бўлиши шарт.

59. Шарбатлар ва мева ва сабзавот нектарларининг истеъмол пакетларига тайёр маҳсулот таркибида тегишли қуйқанинг (мякоть) ҳажми улу-

ши камида 8 фоиз бўлса ёки агар бундай маҳсулот таркибида цитрус мевали ҳужайралар бўлса, «қуйқа билан» ёзуви жойлаштирилади.

60. Шарбат маҳсулотларини истеъмолчилар учун қадоқлашда «тиндирилган» ёзуви, чўкманинг масса улуши 0,3 фоиздан ошмаган тақдирда, жойлаштирилади. Шарбат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда аскорбин кислотасидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар, агар тайёр маҳсулотдаги аскорбин кислотасининг қолдиқ миқдори унинг табиий даражасидан ошмаса, бундай маҳсулотларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотларда кўрсатилмайди.

Аскорбин кислотасини антиоксидант сифатида қўллаш шарбат маҳсулотининг истеъмол қадоғига «С витамини билан» ёзувини жойлаштириш учун асос ҳисобланмайди.

61. Бойитилган шарбат номида ёки бевосита шарбат номига яқин жойда «бойитилган» сўзи кўрсатилиши зарур. Қўшимча равишда бундай маҳсулотлар таркибига киритилган озиқ-овқат ва биологик фаол моддаларнинг номларини, шунингдек, ушбу моддаларни ўз ичига олган озиқ-овқат маҳсулотларининг номларини ёки ушбу моддалар гуруҳининг номини кўрсатишга йўл қўйилади.

62. Шарбат маҳсулотларининг номлари (мева, сабзавот, резавор мева номларидан сўз ҳосилалари) алоҳида ва тегишли ибораларда, агар фақат мазкур номлар ва иборалардан фойдаланиш истеъмолчиларни чалғитмаса, бундай мевалар ва сабзавотлардан шарбат маҳсулотларининг истеъмол қадоқларида кўрсатилиши мумкин.

63. Аниқ бир шарбат маҳсулотини ишлаб чиқаришда фойдаланилмаган мевалар, сабзавотлар, резавор мевалар, шарбатлар ва пюренинг график тасвирлари уларнинг истеъмол қадоқларида кўрсатилиши мумкин эмас.

64. Агар шарбат маҳсулотларига қўшилган углерод диоксидининг масса улуши 0,2 фоиздан кам бўлмаса, бундай маҳсулотларнинг истеъмол қадоқларида «газланган» сўзи кўрсатилиши шарт.

65. Зираворлар ва уларнинг экстрактлари қўшиб ишлаб чиқарилган шарбат маҳсулотларининг истеъмол қадоқларларида «зираворлар билан» ёзуви бўлиши ва тегишли зираворларнинг номлари кўрсатилиши шарт.

66. Шарбат маҳсулотларининг таркиби истеъмол қадоғида қуйидаги кетма-кетликда кўрсатилиши зарур:

а) шарбатга нисбатан:

шарбат номи;

мева (сабзавот) пюресининг номи;

озукавий қўшимчалар ва компонентларнинг номи (улар қўлланилган ҳолатларда);

б) шарбатли ичимлик, морс, нектарга нисбатан:

шарбат номи;

мева (сабзавот) пюресининг номи;

озукавий қўшимчалар ва компонентларнинг номи (улар қўлланилган ҳолатларда);

сув миқдори.

67. Агар шарбатлар ишлаб чиқаришда озиқ-овқат қўшимчалари ёки бошқа компонентлар ишлатилмаган бўлса, истеъмол қадоқларида шарбат таркиби кўрсатилмаслиги мумкин.

68. Агар шарбат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда концентрация қилинган шарбатлар, концентрация қилинган мева (сабзавот) пюреси ишлатилганда, бундай маҳсулотларнинг таркиби тегишли шарбатлар, мева (сабзавот) пюре номларининг ҳажми улуши камайиши тартибида кўрсатилади ва бевосита ушбу кўрсатилган таркиб ёнида «концентрация қилинган шарбатлардан тайёрланган», «концентрация қилинган пюредан тайёрланган», «концентрация қилинган шарбат ва пюредан тайёрланган» ёзуви жойлаштирилади.

69. Аралаштирилган шарбат маҳсулотларининг таркиби ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ишлатилган барча шарбатлар ва мева (сабзавот) пюреси камайиш тартибида кўрсатилиши шарт.

70. Бойитилган шарбат маҳсулотларининг таркибида ушбу таркибга киритилган барча озиқ-овқат ва биологик фаол моддалар кўрсатилади.

71. Шарбат маҳсулотларининг таъмини ва ҳидини тиклаш учун ишлатилган концентрация қилинган табиий хушбўйлаштирувчи мевали ёки сабзавотли моддалар ва тикланган шарбатлар ишлаб чиқаришда концентрация қилинган шарбатлар ва пюрени қайта тиклаш учун ишлатилган ичимлик сув, тайёр маҳсулотлар таркибида кўрсатилмайди.

72. Шарбат маҳсулотларининг истеъмол қадоқларида ушбу маҳсулотни истеъмол қадоғи очилганидан кейин сақлаш шартлари тўғрисида тавсиялар кўрсатилади.

73. Истеъмолчилар учун мўлжалланмаган транспорт идишларига (танкерларга, резервуарларга, флексиён танкларга) жойлаштирилган шарбат маҳсулотларини тамғалаш Техник регламентда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

74. Шарбат маҳсулотининг партияси, ишлаб чиқарилган сана, ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган жойи, шунингдек, хорижий ишлаб чиқарувчининг вазифаларини бажарадиган шахс (манзил, шу жумладан, маҳсулот ишлаб чиқарилган мамлакат ва жойи) тўғрисидаги маълумотлар бундай маҳсулотларнинг транспорт қадоқларида идентификация коди билан алмаштирилиши мумкин. Ушбу код юк ташиш ҳужжатларида аниқ кўрсатилиши шарт.

75. Агар калий казеинат ва натрий казеинатнинг қолдиқ миқдори концентрация қилинган шарбатлар ва концентрация қилинган пюре таркибида бўлса, бундай маҳсулотнинг транспорт қадоғида ва юк ташиш ҳужжатларида «таркибида калий казеинат мавжуд» ва «таркибида натрий казеинат мавжуд» деган сўзлар кўрсатилиши шарт.

76. Қадоқнинг юзасида маҳсулотнинг истеъмол хусусиятларини йўқотганидан ёки фойдаланилгандан кейин, ҳам маҳсулотни, ҳам қадоқни утилизация қилиш масаласини акс еттирувчи тамға назарда тутилади.

Шунингдек, ихтиёрий тамға сифатида маҳсулотнинг экологик хусусияти «экологик хавфсиз» ифодаси назарда тутилади.

Манипулятив белгиларга мисоллар:



77. Ўзбекистон Республикасида халқаро ташкилотлар томонидан тан олинган тасдиқловчи сертификатлар (синов баённомалари) мавжуд бўлмаган тақдирда маҳсулот тамғасида сифат менежменти тизимининг қўшимча хусусиятлари тўғрисида маҳсулотнинг стандарт белгиларини «Био», «Эко», «Консервантларсиз», «ГМОларсиз», «Экологик тоза маҳсулот», «Халол» («HALAL»), «Органик» («ORGANIC») қўйиш тақиқланади.

4-боб. Давлат назоратини амалга ошириш

78. Техник регламент талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси, «Ўзстандарт» агентлиги, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида бошқа ваколатли давлат органлари томонидан таъминланади.

5-боб. Техник регламентга риоя қилмаслик учун жавобгарлик

79. Техник регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

6-боб. Ўтиш даври

80. Техник регламент кучга киргандан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ва шарбат маҳсулотларининг хавфсизлиги талабларини белгиловчи норматив ҳужжатлар Техник регламент билан мувофиқлаштирилгунга қадар Техник регламентга зид бўлмаган қисмлари бўйича қўлланилади.

81. Техник регламент кучга киргунга қадар мажбурий равишда қонун ҳужжатларига мувофиқ, мувофиқлик тасдиқланиши шарт бўлган мева ва сабзавот шарбатига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Миллий сертификатлаштириш тизимида белгиланган қоидалар қўлланилади.

82. Шарбат маҳсулотлари учун Техник регламент кучга киргунга қадар олинган санитария-эпидемиология хулосалари ва мувофиқлик сертификатлари ушбу ҳужжатларда белгиланган муддат мобайнида амал қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

102 Спорт турлари бўйича терма жамоалар таркибига спортчиларни саралаб олиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Республикада жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, аҳолининг барча қатламларини, айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш, Ўзбекистон спорт турлари бўйича терма жамоалари таркибини шакллантиришда шаффофликни таъминлаш, уларнинг таркибига иқтидорли спортчиларни саралаш (селекция) методологиясини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 4 декабрдаги ПФ-5887-сон ва «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳолининг қизиқишлари ва хоши-истакларидан келиб чиқиб, умумтаълим мактаблари, олий таълим муассасаларини камида биттадан устувор, истиқболли, ривожланаётган, шу жумладан, миллий спорт турларига ихтисослаштириш, ихтисослаштирилган ҳар бир туман (шаҳар)да иқтидорли ёшларни спорт тури билан шуғулланиш учун спорт иншоотларининг аниқ манзилини белгилаш ва спорт инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, иқтидорли спортчиларни спорт турлари бўйича терма жамоалар таркибига саралаш (селекция) тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

бир ой муддатда умумтаълим мактабларини камида биттадан устувор,

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 5 мартда эълон қилинган.

истикболли, ривожланаётган, шу жумладан, миллий спорт турларига ихтисослаштириш, спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган туман (шаҳар)ларнинг таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида «Мактаб лигаси» ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Талаба лигаси» мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда мусобақаларни ўтказиш тўғрисидаги низомни ҳамда мусобақалар дастурини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тасдиқланган Низом ва мусобақалар дастурига мувофиқ спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган туман (шаҳар)ларнинг таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида «Мактаб лигаси» ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Талаба лигаси» мусобақаларини доимий равишда ташкил этиш ва ўтказиш чораларини кўрсинлар.

3. Олий таълим муассасаларини спорт турларига ихтисослаштириш рўйхати 1-иловага*, Республика туман (шаҳар)ларини устувор, истикболли, ривожланаётган спорт турларига ихтисослаштириш бўйича спорт иншоотларининг манзилли рўйхати 2-иловага*, Спорт турлари бўйича спортчиларни саралаш (селекция) ва тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги республика спорт федерация (уюшма)лари билан биргаликда уч ой муддатда умумтаълим мактаб ўқувчиларини спорт мактабларига саралаш мезонини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда:

умумтаълим мактабларида уларнинг моддий-техника базасидан келиб чиқиб, ўқувчилар кизиқишига кўра болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг футбол бўйича тармоқ тўғарақларини ташкил этиш;

спорт турлари бўйича юқори иқтидорга эга бўлган ёш спортчиларни саралаб олиш (селекция) тизимини йўлга қўйиш (бунда умумий ўрта таълим мактабида умумий ўрта таълим муассасаларининг спорт тўғарақларига қабул қилинган ўқувчилар рўйхатидан иборат бўлган ягона электрон «Спорт тўғараги» онлайн тизими яратилади), уларни ўқитиш, тарбиялаш ва индивидуал хусусиятларини ривожлантириш, спорт соҳасидаги қобилиятини янада ошириш чораларини кўрсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг моддий-техника базасини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, хусусан:

худудларда жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриш, шу жумладан, спорт таълими муассасалари ходимларининг жамиятдаги ўрнини оширишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

туман (шаҳар)ларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарлари билан биргаликда спорт таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш ва уларни куз-қиш мавсумига самарали тайёрлаш тадбирларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликларининг қўшимча маблағлари ҳисобига ҳамда ҳомийлар хайриялари асосида амалга ошириш;

ҳудудларда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини оширишга қўмаклашиш масалалари бўйича вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш муассасаларидаги мавжуд муаммоларни тезкор ва самарали ҳал қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклансин.

7. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ҳамда аҳолига етказиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А. Абдухакимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 4 март,
122-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 4 мартдаги 122-сон қарорига
3-ИЛОВА

Спорт турлари бўйича спортчиларни саралаш (селекция) ва тайёрлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом спорт турлари бўйича спортчиларни саралаш (селекция қилиш) ва тайёрлашнинг методологиясини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

спорт танлови — педагогик, психологик, ижтимоий ва тиббий-биологик усулларни ўз ичига олган ташкилий-методик тадбирлар тизими бўлиб,

бунинг асосида ёш тоифаси ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, маълум бир спорт тури ёки турларини ихтисослаштириш аниқланади;

спорт йўналиши — ёш спортчининг муайян спорт турида ихтисослашув йўналишини белгилаш имконини берувчи ташкилий-методик тадбирлар тизими;

терма жамоаларга номзодларни танлаш — спортда саралаш (селекция) тизимини такомиллаштиришнинг турли босқичларида энг яхши спортчиларни танлашни назарда tutувчи тадбирлар мажмуи;

терма жамоаларни жамлаш — республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этиш мақсадида номзодларни танлаш;

тренер-селекционер — терма жамоага иқтидорли спортчиларни танлаш учун масъул бўлган тажрибали мутахассис.

2-боб. Саралаш ва тайёрлаш методологиясининг амалга оширилиши

3. Саралаш ва тайёрлаш методологияси қуйидаги мустақил танлов турларидан иборат:

спорт йўналиши;

терма жамоаларга номзодларни танлаш;

терма жамоаларни жамлаш.

4. Саралаш ва тайёрлаш методологияси қуйидагича амалга оширилади:

идеал (чемпионнинг модели) аниқланади;

спорт ютуқларининг ўсиш суръатлари прогноз қилинади;

ташкилий ва методик масалалар ҳал этилади (таснифлаш стандартлари, синов меъёрлари ишлаб чиқилади ёки тест, кузатиш, суҳбатдан ўтказиш).

5. Спортчиларни танлашнинг илмий асослари, ишончли ва объектив тестлардан иборат бўлиб, бу эришилиши мумкин бўлган спорт ютуқларини тахмин қилиш имконини беради.

Ишончли тестлар спортчининг психологик кўрсаткичлар, яъни ижобий тусдаги фазилатлари, мотивацияси, етакчилик ва ҳиссий барқарорлик, ихтиёрий фазилатлари, спорт агрессивлиги, шахснинг фаоллашуви ҳисобланади.

Объектив тестлар (хотира, эътибор, фикрлаш, ахборотни қайта ишлаш тезлиги), сенсомоторика, темперамент, индивидуал фаолиятлари ҳисобланади.

6. Спортчининг ўсиш динамикасини аниқлаш кўрсаткичлари асосан мусобақа даврида аниқланади.

Бунда биринчи навбатда:

педагогик кўрсаткичлар (ёши, жисмоний тайёргарлиги, тез ривожланиши ва қисқа давр ичида жисмоний тикланиш қобилиятлари);

психологик кўрсаткичлар (ижобий тусдаги фазилатлар, мотивация, етакчилик ва бепарволик, ҳиссий барқарорлик, ихтиёрий фазилатлари, спорт агрессивлиги, шахснинг фаоллашуви (хотира, эътибор, фикрлаш, ахборот-

ни қайта ишлаш тезлиги), сенсомоторика, темперамент, индивидуал фаолият услуби);

тиббий-биологик кўрсаткичлар (соғлиқ, анатомик хусусиятлар, нафас олиш, қон айланиши, эндокрин ҳолати) аниқланади.

7. Танлов жараёни қуйидаги босқичларга бўлинади:

1-босқич. Болалар ва ўсмирларни дастлабки (бирламчи) танлаш;

2-босқич. Танланган спорт тури бўйича ихтисослашиш талабларига жалб қилинган контингентни талаб даражасида чуқур текшириш (иккиламчи танлов босқичи);

3-босқич. Спортга йўналтириш;

4-босқич. Терма жамоаларга саралаш.

8. Дастлабки танлашда болалар ва ўсмирларнинг спорт билан шуғулланишга яроқлилиги, уларнинг қобилиятлари аниқланади ва ҳаракат фаолиятининг даражаси баҳоланади.

9. Иккиламчи танловда болаларда маълум бир спорт тури бўйича бошланғич меъёр синовлари талаблари текширилади. Спортчининг махсус фазилатлари, унинг тайёргарлиги, спорт билан шуғулланиш даражаси, танланган спорт турини такомиллаштириш учун яроқлилигини аниқлаш имконини беради.

10. Спортга йўналтиришда маълум бир спорт туридаги фаолиятда намоён бўладиган қобилиятлар шаклланади, натижада терма жамоаларга асосий ҳамда захира таркиб номзодлари (мусобақа даврида) танлаб олинади.

11. Терма жамоага саралашда маълум бир спорт тури бўйича спорт қобилиятлари профессионал даражада ривожланади, спортчиларнинг маҳорат даражаси баҳоланади. Ушбу вазифа терма жамоа бош ва катта тренерлари (тренерлар жамоаси) томонидан амалга оширилади.

12. Спортда муайян ютуқларга эришган малакали спортчилар орасидан истиқболли спортчиларни саралаб олишнинг замонавий тизимида қуйидагилар қиради:

шуғулланадиган спорт туридаги техник натижалар ва унинг сўнгги йилларда эришган ютуқлари динамикаси;

ёш тоифаси, антропометрик кўрсаткичлар ва саломатлик (маълум бир спортга мойиллиги);

спорт машқларининг энг муҳим босқичлари ва элементларини бажаришда техник хатоларни аниқлаш даражаси;

узоқ муддатли махсус жисмоний тайёргарлик сифатларининг ривожланиш даражаси;

машғулотлар даврида жисмоний ва психоонтропомиқ юкламаларга чидамликнинг ривожланганлиги;

танланган спорт турида қатъиятлилиқ мавжудлиги.

13. Юқори тоифали спортчиларни тайёрлаш ва тарбиялаш кўп йиллик мураккаб жараён бўлиб, спортчиларнинг маҳорати бир қатор омиллар билан белгиланади. Бундай омиллардан бири иқтидорли спортчиларни танлашда тўғри танланган спорт йўналиши ҳисобланади.

3-боб. Спорт танловининг амалга оширилиши

14. Спорт танлови боланинг спорт фаолияти (спорт тури)га юқори даражада мослашувини (иктидори)ни аниқлаш имконини беради ва узоқ муддатли, кўп босқичли жараёнда ҳар бир тайёргарлик босқичи бўйича спортчининг турли тадқиқот усулларида (педагогик, тиббий-биологик, психологик, ижтимоий ва бошқалар) фойдаланилган ҳолда тизимли амалга оширилади. Спорт танлови болаликда шаклланади ва мамлакат терма жамоаларида тамомланади.

15. Спорт танлови қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

а) 1-босқич — асосан 7 — 10 ёшдаги бўлган умумтаълим мактаби ўқувчиларидан иборат бўлган контингентдан иқтидорли болалар аниқланади. Бундай болалар жисмоний тарбия дарсларида спортнинг бир ёки бир нечта спорт турига мойиллиги бор бўлган ўқувчилар орасидан танлаб олинади. Аниқланган иқтидорли ўқувчилар билан умумий ўрта таълим муассасаларининг дарс машғулотларига салбий таъсир қилмаган ҳолда спорт тўғрақлари олиб борилади.

Умумтаълим мактабида умумий ўрта таълим муассасаларининг спорт тўғрақларига қабул қилинган ўқувчиларнинг рўйхатидан иборат бўлган ягона электрон «Спорт тўғараги» онлайн тизими яратилади.

Ташкил этилган тўғарақларга умумтаълим мактабининг иқтидорли ўқувчилари киритилади. Умумтаълим мактабларида шакллантирилган ягона электрон тизимига киритилган ўқувчиларнинг антропометрик ўлчовлари (ёши, бўйи, вазни) ҳамда умумжисмоний кўрсаткичлари киритилади ва уларнинг ўсиш сифатлари динамикаси янгилаб борилади.

Ягона электрон «Спорт тўғараги» онлайн тизими орқали болалар-ўсмирлар спорт мактабининг тренер селекционерлари томонидан болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчилар йўналтирилади. Бу жараён саралаш (селекция) тизимининг биринчи босқичидир.

Саралаб олинган ўқувчилар болалар-ўсмирлар спорт мактабларида бошланғич тайёргарлик гуруҳида машғулотларни олиб боради. Бошланғич тайёргарлик гуруҳига жисмоний тарбия ўқитувчисининг тавсияси, тиббий кўрик маълумотлари, антропометрик ўлчовлар бўлажак спортчини баҳолашнинг мезони ҳисобланади. Ушбу саралаш босқичида олинган маълумотлар тахминий кўрсаткичлар сифатида ишлатилиши лозим.

б) Саралашнинг иккинчи босқичида болалар-ўсмирлар спорт мактаблари шуғулланувчилари ўртасида ҳудудий чемпионат мусобақаси ўтказилади. Мусобақада ғолиб ва совриндор бўлган спортчилардан спорт турлари бўйича ҳудудий терма жамоаларнинг асосий ва захира таркиби шакллантирилади.

Бир вақтнинг ўзида ҳудудий чемпионат ғолибларидан иборат бўлган спортчилар спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг тренер селекционерлари ҳамда спорт федерация (уюшма)ларининг мутахассислари томонидан олимпия захиралари коллежаларига йўналтирилади. Шунингдек, ҳудудий чемпионатнинг совриндорлари

спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг тренер селекционерлари ҳамда спорт федерация (уюшма)ларининг мутахассислари томонидан ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларига йўналтирилади;

в) Саралашнинг учинчи босқичида ҳудудий терма жамоадан (маълум бир спорт туридан) сараланган спортчилар республика мусобақаларида иштирок этиш учун ягона спорт таснифида белгиланган II катталар (гимнастика спорт турлари учун I ёшлар) тоифасига эга бўлиши лозим.

Спортчилар Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади ва уларнинг ҳулоасига биноан ўқув-машғулотлар йиғинларига таклиф этилади;

г) Саралашнинг тўртинчи босқичида саралаб олинган спортчи шаклланаётган профессионал даражадаги спортчи ҳисобланади.

Бунда биринчи навбатда миллий терма жамоа аъзоси сифатида мамлакатимизни халқаро ареналарда муносиб ҳимоя қилиши, спортчига керакли шарт-шароитлар яратиш, узлуксиз тарзда машғулотларни ҳамда ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этиш назорат қилинади.

16. Спорт мусобақаларини ўтказиш орқали саралаш (селекция) ишларини амалга ошириш бўйича методология схемаси ушбу Низомга иловага* мувофиқ амалга оширилади.

4-боб. Якунловчи қоида

17. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.